Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 81 (20. 648) • 1990 йил 7 апрель, шанба • Баҳоси 3 тийин.

ДЕҲҚОНЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

Қишлоқ аҳли ушбу кўкламни бир олам қувонч, орзу-умидлар билан кутмоқда эди. Ҳамал ойи арафасида СССР Олий Совети сессиясида Ер тўғрисида Қонун қабул қилинди. Она заминга барака уруғи қадаш тадоригини кўраётган деҳқонга бундан ортиқ хушхабар бўлмаса керак. Ва, ниҳоят, у ернинг, ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг ҳақиқий эгасига айланадиган бўлди. Деҳқон кўксига шодлик туйғусини шу кезларда эсаётган баҳор еллари олиб келди, десак бир оз янглишамиз. Аслида унда келажакка ишонч сал илгарироқ пайдо бўлди..

Аввало, яқин ўтмишимизга назар ташлайлик. Маълумки, мамлакатдаги иқтисодий чигал вазиятни соғломлаштириш дастлаб озиқ-овқат муаммосини ҳал қилишни тақозо этади. Бўш қоп тик турмайди, дейдилар. Бинобарин, элнинг қорнини тўйғазмасдан бурун ҳеч қандай снёсий-ижтимоий масалаларни рўёбга чиқариш мумкин эмас. Сўнгги йилларда ушбу муаммони ҳал қилиш борасида кўпдан-кўп қарор-у фармойишлар, дастур-у кўрсатмалар қабул қилинди, узундан-узоқ шиорлар, баландпарвоз чақириқлар кўтарилди. Бироқ минг афсуски, булардан дастурхонимиз тўкин бўлмади, косамиз оқармади.

Нега шундай бўлди! Наҳотки, шундай мислсиз табиий ва иқтисодий имкониятларга эга бўлган мамлакат ўзини ўзи боқолмаса! Нега миллионлаб гектар боғ-роғлари, экинзор ва яйловлари бўла туриб давлатимиз мева-чевани, ғалла ва гўштни чет эллардан сотиб олишга мажбур!

Бугунги кунда ушбу ноҳуш ҳолларнинг боиси ҳаммага маълум. Бундай аҳвол энг аввало, муқаддас она-заминимизни ношукурларча топтаганимиз, унинг табиий бойликларидан нооқилона, хўжасизларча фойдаланганлигимиз туфайли содир бўлди. Сифатни унутиб, миқдорга зўр бериш натижасида бутун-бутун вилоят ерларини қўллатдик ва чўллатдик. Минерал ўғитларни беаёв ишлатиш оқибатида онасини жароҳатлаган фарзанд сингари замин бағрини оғир дардга чалинтирдик. Маълумотларга қараганда ҳозир жумҳуриятимиздаги 500 минг гектардан ортиқ суғориладиган ер ана шундай аянчли ҳолатга тушган. Бу ишлар «Табиатни инсон измига бўй сундирамиз!», «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган баландпарвоз шиорлар остида олиб борилди. Инсон — табиат фарзанди эканлигини, табиийликка путур етса, борлиқдаги мутаносиблик бузилса, аҳволимиз ночорлашишини англай олмадик.

Хайриятки қайта қуриш шарофати туфайли кўзимиз очилди. Даланинг бошига чиқиб сахий заминимизга нисбатан қилган ношукурчиликларимизни кўрдик. Энди афсусланяпмиз. Энди пушаймонмиз. Еримиз — олтин сандиғимиз вужудига етказилган жароҳатларга малҳам излай бошладик. Ҳали ҳам кеч эмас. Қилган бебошликларимиз, илмий асосга эга бўлмаган хатти-ҳаракатларимиз оқибатларини бартараф этайлик.

Жумҳурият партия-ҳукумати сўнгги пайтларда кўп хайрли ишларга бош бўлмоқда. Пахта майдонлари қисқариб, алмашлаб экиш йўлга қўйиляпти, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳарид нархлари оширилмоқда. Янги боғ-роғлар барпо қилинаётир, чорвачиликка эътибор кучайди. Илгари қарорларимиз кўпинча қоғозда қолиб кетарди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги ҳозир қабул қилинаётган ҳужжатларнинг аввалгилардан фарқи иқтисодий заминни борлиғида, амалга оширилиши жиддий кузатиб борилаётганлигидадир. Сўнгги бир йил, ярим йилдаги ишларимизга эътибор қилинг: қишлоқ аҳлига 160 минг гектар томорқа ерлари берилди, деҳқончиликда меҳнатнинг турли илғор усуллари — коллектив, оила, ижара пудратини ривожлантириш имкониятлари яратилмоқда. Планлаштиришда ишлаб чиқариш коллективининг имконияти ва мулоҳазаси асос қилиб олинянти. Ва, ниҳоят, Ер тўғрисидаги Қонунда деҳқоннинг ҳақ-ҳуқуқлари мустаҳкамлаб берилди. Муҳими қишлоқдаги йиллар мобайнида эътиборсиз қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга изчил киришилди. Аҳолининг камбағал табақасига, уруш ва меҳнат ветеранларига моддий ёрдамни кўпайтириш, ҳомиладор аёлларга ажратилаётган қўшимча маблағлар, мактаб болаларини, боғчаларда тарбиялануучи кичкинтойларни бепул нонушта билан таъминлаш каби тадбирлар ана шу ишларнинг муқаддимасидир. Ҳозирги пайтда жумҳуриятимиздаги 850 дан ортиқ колхоз ва совхоз ушбу мақсадлар учун давлат ажратган маблағларга ўз ҳиссаларидан ҳам улуш қўшаётганликлари эътиборга лойиқдир.

Бироқ ҳали қишлоқдан қарзимиз кўп. Деҳқоннинг имкониятлари бугунги кун талаблари даражасида эмас. У ҳамон сув танқислигидан қийналмоқда, об-ҳаво ва ер шароитига қарам, техника эса такомиллашган эмас. Деҳқон ғўза ва бошқа экинларнинг сифатли, серҳосил, турли касалликларга чидамли янги навларини орзу қилади. Унинг партия, совет, хўжалик ташкилотлари раҳбарлари олдига қўядиган талаб ва илтимослари, илтижолари кўп. Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларида тўрт миллионга яқин аҳоли ниҳоятда мушкул аҳволда кун кечирмоқда. Турли касалликлар, айниқса, болалар ўлими унинг бағрини ўртамоқда. Қишлоқдаги уйлар, дала шийпонлари, мактаблар ва боғчалар ҳануз ночор. Деҳқон уй-жой қурай деса қурилиш материаллари анқонинг уруғи.

Жумҳурият Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастурида ана шу вазифаларни амалга оширишнинг аниқ тадбирлари белгиланган. Дастурдаги ушбу сўзларни эсланг: «Ўзбекистон Компартияси қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириб юборишни режалаштирмоқда. Биз деҳқонлар олдида катта қарздормиз. Кўпгина аҳоли пунктларида водопровод, канализация ҳамда табиий газ йўқ. Кўп қишлоқларда мактаблар, мактабгача болалар муассасалари ва медицина муассасалари, савдо ва маиший хизмат объектлари йўқ. Ўзбекистон Компартияси ана шу ва бошқа долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш тўғрисида алоҳида ғамхурлик қилади». Қишлоққа, қишлоқ меҳнаткашларига ғамхўрликни кучайтириш вазифаси ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида ҳам асосий масала қилиб қўйилди.

Республика иқтисоднётини, аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида шу йилнинг ўзида ижтимоий соҳа базаларини ривожлантиришга 3,9 миллиард сўм маблағ ажратиладн. Бу беш йиллик планда 1990 йил учун кўзда тутилганидан 53 фоиз кўпдир. 1990 — 1991 йилларда қишлоқ жойларда ҳар бири йилига 5 миллионтагача ғишт пишираднган 76 та чоғроқ заводлар қуриш мўлжалланган, «Узагрострой», «Ўзбекбирлашув», «Ўзсортсемовощ» ташкилотлари ушбу вазифаларни кечиктирмай амалга оширишлари талаб этилади. Область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети партия ва ҳукуматимизнинг Ер тўғрисидаги ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги бошқа қарор ва кўрсатмаларини оғишмай амалга оширишга даъват этилганлар.

Қишлоқ иқтисоднётини яхшилашга қаратилган ушбу тадбирлар дарҳақиқат деҳқонларнинг кайфиятини кўтармоқда, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Шу кунларда далаларда бошланиб кетган кўкламги экиш мавсумининг авжи ана шундан дарак беради. Қишлоқ меҳнаткашлари ҳозир жумҳурият Олий Советининг биринчи сессиясида ҳамда деҳқончилик саноати ходимларининг қурултойида белгиланган вазифаларни шараф билан бажаришга интилмоқдалар.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг, маҳсулотни қайта ишлаш ва асрашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг даладан пештахтага келгунича нест-нобуд бўлишини камайтириш, элни тўйдирувчи ва кийинтирувчи деҳқоннинг мушкулини осон қилиш барча партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарларининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Зотан деҳқоннинг кайфияти чоғ, тўрт мучаси соғ бўлса у дастурхонимизнинг тўкинсочнилиги, турмушимизнинг фаровонлиги йўлида баракали меҳнат қилишдан ҳоримайди.

Айни кунларда жумҳуриятимиз деҳқонлари баҳорги экиш ишларини тобора қизитмоқдалар. Қоракўл районидаги К. Маркс номли колхоз деҳқонлари ҳам эртаки экинларни ўз вақтида экиб олишга ҳаракат қилишаётир. Ҳозир бу ерда беда уруғи сепиш қизғин. Умуман хўжалик бўйича бу йил 100 гектар ерга беда экилади. Суратда: хўжалик бош агрономи Усмон Очилов (чапда) ва маккажўхорикорлар бригадаси бошлиғи Раҳим Очилов.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) олган сурат

ЛЕНИНЧА ШАНБАЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

Ўзбекистон Касаба союзлари республика кенгашининг ҳайъати В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзбекгазпромстрой» трести меҳнат коллективларининг 21 апрель куни В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Бу йилги коммунистик шанбаликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда ишлаб топилган маблағ корхоналарнинг касаба союз комитетлари ҳисобига ўтказилади ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун, ҳайрия мақсадларида, кам таъминланганларга ёрдам бериш, соғломлаштириш комплексларининг моддий базасини ривожлантириш учун сарфланади. Ўзбекистон Касаба союзлари республика кенгашининг ҳайъати касаба союз комитетларига мурожаат этиб, ишлаб топилган маблағларнинг бир қисмини экология фалокати зонасида яшаётган Қорақалпоғистон меҳнаткашларини соғломлаштиришда ёрдам бериш учун ўтказишни илтимос қилди. (Қорақалпоғистон область касаба союзлари Советининг СССР Давлат уй-жой-ижтимоий банкининг Нукус шаҳридаги МФО 73420 бўлимидаги ҳисоб-китоб счёти 69565).

Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи шанбалик кунида ишлаб топилган 50 минг сўм пулни меҳнат коллективининг ижтимоий масалаларини ҳал этишга сарфлашни мўлжалламоқда. «Ўзбекгазпромстрой» трестининг ишчилари ва мутахассислари шанбаликда ишлаб топилган беш минг сўм пулни қашшоқ, кўп болали оилаларга, Бухоро шаҳри ва Бухоро области болалар уйларида яшаётган етимлар ва ногирон болаларга юборадиган бўлишди. В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи эса 21 апрель куни ишлаб топилган қариб бир неча ўн минг сўм пулни Авиасозлар шаҳарчасини ривожлантириш жамғармасига ўтказади.

Кўпгина меҳнат коллективлари Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 45 йиллиги яқинлашиб келаётганини ҳисобга олиб, касаба союз шанбалигида ишлаб топилган маблағнинг бир қисмини уруш ва меҳнат ветеранларининг турмуш шароитларини яхшилаш учун сарфлашга қарор қилдилар.

Ўзбекистон ССР Касаба союзлари республика кенгаши ҳузурида касаба союз шанбалигини тайёрлаш ва уни муваффақиятли ўтказиш учун ишчи группаси тузилди. Касаба союзларининг область кенгашлари ва республика комитетларида ҳам худди шундай группалар тузилади. Тегишли хўжалик органлари билан биргаликда корхоналар ва ташкилотларни зарур материал ва ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш, унумли ишлаш учун хавфсиз шароит яратиш тадбирлари кўрилади.

(ЎзТАГ).

АРМИЯ ВА ФЛОТГА — МУНОСИБ ЙИГИТЛАР

Ҳақиқий ҳарбий хизматга ёшларни бу йилги баҳорги чақириш ижтимоий турмушнинг мураккаб шароитида амалга оширилмоқда. Демократиялаш, ошкоралик жараёнлари ҳамиша давлат ва жамият хавфсизлигининг ишончли кафолати бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолаётган мамлакат Қуролли Кучларидаги кўпгина муаммоларни юзага чиқариб қўйди.

Лекин реал мавжуд қийинчиликлардан ташқари жамиятдаги Совет Федерациясини бузишга, миллатчилик ва шовинизм кайфиятларини авж олдиришга уринаётган муайян кучлар бутун чоралар билан армия билан халқ орасига совуқчилик солишга ҳаракат қилмоқдалар.

СССР Мудофаа министрлигининг бир гуруҳ генераллари ва офицерларининг, республика ҳарбий комиссариатларининг ходимлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан 6 апрель куни Тошкентда бўлган учрашувида йигитларни армияга чақиришга доир ана шу муаммолар ҳақида жиддий гаплашиб олинди.

Учрашувни Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко очди.

Учрашувда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош снёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. Д. Лизичев доклад қилди.

Совет Қуролли Кучлари снёсий эҳтиросларнинг авж олишига қарамай, ҳозирги шароитда ўзларининг асосий вазифаларини ишонч билан бажаришлари, яъни Ватанни ҳимоя қилишлари шарт. Ҳозир жамиятимиздаги мавжуд кескинлик чоғида аввало, ҳарбий комиссариатлар, армия билан халқни боғлаб турувчи асосий бўғин янгича ёндашувларни ва иш усулларини қидириб топиши керак. Граждан аҳолиси Қуролли Кучларнинг турмуши ва муаммолари билан батафсил танишмоғи учун сўнгги вақтда кўп иш қилинмоқда — солдат оналарининг слётлари, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий билим юртларида очиқ эшиклар кунлари ўтказилмоқда. Солдатларнинг ота-оналари ҳарбий комиссариатларнинг ходимлари билан биргаликда бўлинмаларни комплекс текширишда иштирок этмоқдалар. Буларнинг ҳаммасини янада ривожлантириш зарур, албатта.

Бунинг устига, асоссиз равишда, масалан, армияга чақирилувчилар хизмат қиладиган жойни, улар юборилаётган қўшин турларини сир тутиш практикасидан воз кечиши керак. Чақирув участкаларида йигитларни ҳамда ўз фарзандларини кузатиш учун келган ота-оналарни баланд девор билан ажратиб қўйишга ҳеч қандай зарурат йўқ. Чақирувни ташкил этувчи ходимлар бу ерга келувчи ҳар бир кишига ҳурмат билан қарашлари лозим.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош снёсий бошқармасининг бошлиғи мамлакат Қуролли Кучларига келаётган йигитларнинг фазилатлари, ёшларнинг хизматга маънавий жиҳатдан тайёргарлиги даражаси пасаяётганлиги хусусида асосли равишда ташвиш билдирди. Армияга саломатлиги мустаҳкам бўлмаган йигитларни жўнатиш ҳоллари кўп учрамоқда. Мактабни битиргандан сўнг Армияга чақирилгунга қадар ҳеч қаерда ишламаётган ва ўқимаётган хизматга чақирилувчилар сони икки баравар кўпайди. Шуғина эмас, хизматдан бўйин товлашга интилаётганлар ҳам анча кўпайди.

Буларнинг ҳаммаси Қуролли Кучларимизнинг заифлашувига олиб боради. Аммо жанговар тайёргарлик даражасини пасайтириш — тинчлик учун курашни бўшаштириш демакдир. Афсуски, ҳозирча ўзимизни ҳимоя қилишимизга тўғри келади. Шу сабабли ҳозирги пайтдаги асосий вазифа мамлакатни жарликка итараётган, армияни қоралаш йўли билан Ватаннинг мудофаа қалқонига шикаст етказишга уринаётган бузғунчи кучлар устун келишига йўл қўймасликдан иборат.

Армия генерали А. Д. Лизичев тўпланганларнинг саволларига жавоб қайтарди. Армияга чақирилиш ёшига етмаган ва чақирилиш ёшидаги йигитлар билан ишлашни такомиллаштиришга доир амалий тавсиялар берди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, Ҳарбий кенгаш аъзоси—Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи снёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Захаров, республика комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Носиров қатнашдилар.

* * *

Шу куни Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош снёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. Д. Лизичевни қабул қилди.

(ЎзТАГ).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг **ҚОНУНИ**

Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида

1-модда. СССР Конституциясининг 72-моддасига мувофиқ Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби ушбу Қонун билан белгиланади.

2-модда. Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги қарор референдум (халқ овозига қўйиш) йўли билан, иттифоқдош республика халқларининг эркин хоҳиш билдириши билан қабул қилинади. Референдум ўтказиш тўғрисидаги қарор иттифоқдош республика Олий Советининг ташаббусига ёки республика территориясида доимий истиқомат қилувчи ва ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган СССР гражданларининг ўндан бир қисми имзолаган талабномага кўра қабул қилинади.

Референдум тўғрисидаги СССР Қонунида, иттифоқдош, автоном республиканинг Қонунида белгиланган тартибда, агар уларнинг қоидалари мазкур Қонунга зид бўлмаса, референдум ўтказилади.

Референдум иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги масалани қўйиш ҳақида қарор қабул қилингандан кейин орадан камида олти ой ўтгач ва тўққиз ойдан кечиктирмай яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Референдумда республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги масала ўртага қўйилган пайтгача унинг территориясида доимий истиқомат қилувчи ва ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган СССР гражданлари қатнашадилар.

Овоз бериш чоғида референдумга қўйилган масала юзасидан қандайдир ташвиқот олиб борилишига йўл қўйилмайди.

3-модда. Ўз таркибида автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округларга эга бўлган иттифоқдош республикада референдум ҳар бир автономияда алоҳида-алоҳида ўтказилади. Автоном республикалар ва автоном тузилмаларнинг халқлари ССР Иттифоқида ёки унинг таркибидан чиқадиган иттифоқдош республикада бўлиш масаласини мустақил ҳал этиш, шунингдек ўзининг давлат-ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Территориясида мазкур жой аҳолисининг кўпчилигини ташкил этадиган миллий гуруҳлар жам бўлиб яшайдиган жойлар бўлган иттифоқдош республикада референдум якунларини аниқлаш чоғида ана шу жойларда овоз бериш натижалари алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади.

4-модда. Иттифоқдош республиканинг Олий Совети СССРдан чиқиш тўғрисидаги референдумни ташкил этиш, референдум ўтказиш муддатини белгилаш ва унинг якунларини чиқариш учун барча манфаатдор томонларнинг, шу жумладан ушбу Қонун 3-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида эслатиб ўтилган томонларнинг вакиллари иштирокида комиссия тузади.

5-модда. СССР Олий Совети СССРдан чиқиш тўғрисидаги референдумга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва якунларини чиқариш чоғида иттифоқдош республика халқларининг хоҳиш билдириши тўла эркинлигини таъминлаш учун ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном тузилмалар ишончли вакилларининг кузатувчилар сифатида иттифоқдош республика территориясида ҳозир бўлиши тўғрисидаги масалани унинг Олий Совети билан келишиб ҳал этади. СССР Олий Совети агар зарур деб топса, овозга қўйиш чоғида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакилларини республика территориясига таклиф этиши мумкин.

6-модда. Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги масала ўртага қўйилган пайтгача республика территориясида доимий истиқомат қилувчи ва ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган СССР гражданларининг камида учдан икки қисми иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги қарорни ёқлаб овоз берган бўлса, у референдум йўли билан қабул қилинган, деб ҳисобланади.

Референдум якунларини иттифоқдош республиканинг Олий Совети кўриб чиқади.

Ўз таркибида автоном республикалар, автоном областлар, автоном округлар ёки ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида эслатиб ўтилган миллий группалар жам бўлиб яшайдиган жойларга эга бўлган иттифоқдош республикада референдум якунларини иттифоқдош республиканинг Олий Совети автоном республика Олий Совети ва халқ депутатлари тегишли Советлари билан биргаликда кўриб чиқади.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитетининг қарори

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети «Правда» газетаси тўғрисида» қарор қабул қилди

Қарорда қайд этиладики, қайта қуришнинг ҳозирги босқичи жамият барча соҳаларини тубдан ўзгартириш жараёни КПСС олдига партияни, унинг фаолият услуби ва усулларини қатъиян янгилаш борасида мураккаблиги ва миқёси жиҳатидан мислсиз вазифаларни қўймоқда. Партия КПССнинг раҳбарлик ролини Конституцияда мустаҳкамлаб қўйишдан воз кечган шароитда бу вазифалар айниқса муҳимдир. Шу муносабат билан партиянинг пешқадамлик жиҳатларини ривожлантирувчи ролини мустаҳкамлаш, унинг оммага ғоявий-снёсий таъсирини кучайтириш вазифаси янгича намоён бўлмоқда. Бу амалий ишда партия матбуоти, аввало КПСС Марказий Комитетининг органи — «Правда» газетаси жуда муҳим ўрин олади.

КПСС Марказий Комитети яқин вақтларгача «Правда» газетаси чиқишларининг даражаси ҳозирги замон талабларига, газетхонларнинг эҳтиёжларига тўла-тўкис муносиб бўлмаганлигини қайд этади. Бутун партия матбуотимиз каби «Правда» газетаси ҳам ўз вазифаёини бажариши учун ўзини ўзи фаол қайта қуриши, догматик тафаккур элементларидан, сийқа усуллар ва расмиятчиликдан қатъиян воз кечиши керак. Янги типдаги матбуотнинг — халқ матбуоти ва халқ учун матбуотнинг, газетхонларнинг ишончига сазовор бўлган, улар билан халққа тушунарли тилда гаплашадиган эркин ва ҳаққоний, ҳалол ва ростгўй матбуотнинг ленинча қоидаларини жонли, амалий мазмун билан тўлдириш зарур.

Газетхонлар матбуотимиздан тўғри сўзни, қайта қуриш тажрибасининг билимдонлик билан қилинган чуқур таҳлилини, эришилган ижобий силжишларга ҳам, шунингдек ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларнинг, муваффақиятсизликларнинг, жамиятда ижтимоий кескинликни келтириб чиқараётган салбий ҳодисаларнинг сабабларига берилган аниқ ва равшан жавобларни кутмоқдалар.

Матбуотнинг ишига талабчанликнинг ошганлиги мана шундан келиб чиқади. Партиявий матбуотнинг снёсий сафсатабозлик камроқ бўлсин, амалий иш кўпроқ бўлсин, омма жонли, аниқ мисолларда тарбиялан-син, деган ленинча накази ҳозир яна зўр долзарб куч билан янграмоқда. Матбуотимиз жамиятнинг барча соғлом кучларини қайта қуриш Ҳаракат дастури негизида бирлаштириш ва янгилашга бирлаштиришда фаол, ижодий, амалий роль ўйнаши лозим.

Ҳақиқатни ва фақат ҳақиқатни ёзиш, КПСС йўлини, тубдан қайта қуриш ва янгилаш снёсатини сабот ва изчиллик билан ўтказиш — коммунист журналистларнинг, мамлакат партия нашрлари барча ходимларининг партиявий бурчидир.

Партиянинг бош матбуот минбари бўлмиш «Правда» бутун диққат-эътиборни КПСС снёсатини амалга оширишнинг энг муҳим соҳаларига жамлаши лозим.

Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида бутун партиявий публицистика каби «Правда»нинг ҳам етакчи мавзуи қайта қуриш жараёнларини, КПСС Марказий Комитети 1990 йил февраль ва март Пленумлари ғоялари руҳида партия ислоҳ қилинаётганлигини чуқур, ҳар томонлама ёритиб беришдан иборат бўлмоғи керак. Бунда шунга асосланмоқ керакки, янгиланган партия социалистик йўлни танлаб олган, Маркс, Энгельс, Ленин таълимотини ижодий ривожлантириб, ишчилар синфиниг, барча меҳнаткашларнинг манфаатини ифодалайдиган партия бўлмоғи керак. У ўз зиммасига давлат ҳокимияти ваколатларини олмайди. Унинг роли —ўзининг снёсати ва бутун амалий иши билан халқнинг ишончига сазовор бўлган, халқ депутатлари Советларидаги, бошқа идоралар ва жамоат тузилмаларидаги коммунистлар орқали ишлайдиган ва демократик руҳда тан олинган раҳбар бўлишдан иборат.

Ўзига хос бўлмаган вазифалардан халос бўлган КПСС ўзининг бутун кучгайратини назарияни, ҳаракат дастурларини ишлаб чиқишга, ташкилотчилик ва тарбиявий ишга, жамиятни жиспслаштиришга, кадрларга оид снёсатни амалга оширишга қаратмоқда. Партия янги шароитда жуда чуқур демократиялашни амалга ошириб, ўз вазифасини муваффақиятли бажара олади. Партия аъзолари оммасининг ҳокимияти бу ишнинг асоси бўлиб қолиши керак.

КПССнинг XXVIII съездига тайёргарлик даврида «Правда» бутун партия матбуоти совет халқи ва партия босиб ўтган йўлни батафсил ва чуқур таҳлил этишга, партия ташкилотлари олдида турган янги вазифаларни ҳал этишга фаол кўмаклашмоғи зарур. Авж олиб кетган умумпартия мунозараси, КПСС Марказий Комитетининг съездолди Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳаларининг муҳокамаси шу ишга хизмат қилдирилиши керак.

Партия матбуоти саҳифаларида амалий мулоқотни ривожлантириш, уни принципиал партиявий позицияларида туриб олиб бориш, бу ишга социализмни янгилаш позицияларида турган жамики ижтимоий кучларнинг вакили бўлган қатнашчиларнинг кенг доирасини жалб қилиш, бизнинг социалистик йўлимизни рад қилишга интилаётган ҳар қандай ўринпосларга қарши комил ишонч билан ўткир курашиш керак. Совет халқининг социалистик ғояга эътиқоди билан унинг ўз ватанини чинакам тараққиёт ва адолат мамлакатига айлантиришдек ватанпарварлик муддаоси бир-бири билан чуқур боғлиқлигини кўрсатиб бериш лозим. Авлодларнинг тарихий давомийлигини ёритганда, Буюк Ғалабанинг 45 йиллигини, совет халқининг жаҳонни фашизм вабосидан халос этишда инсонят олдидаги жуда катта хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Коммунистлар ва партиясизлардан олинган хатларнинг мазмунини батафсил бериб бориш лозим. Газета ҳамма фикрларни синчиклаб ҳисобга олиб, муаллифларнинг фикрларини «силлиқламай», айни вақтда қайта қуриш соҳасидаги партиявий позицияни қарор топтириш, вужудга келган муаммоларни ўз вақтида муҳокамага қўйиш, энг ўткир саволларга жавобларни ахтариш, «ўнг» ва «сўл» турқдаги сафсатабозларга, партиянинг, социализм ленинча қоидаларининг обрўсини тўкишга уринаётган ҳамма кимсаларга далил-исботлар билан зарба бериш керак. «Правда»нинг «мунозара варақалари»ни чиқариш ташаббуси қўллаб-қувватлансин, бу варақалар фикрлар хилма-хиллигини ривожлантиришга, аҳоли барча табақаларининг ҳар хил манфаатлари ва нуқтаи назарларини аниқлашга кўмаклашади.

(Давоми иккинчи бетда).

АЛОҲИДА КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

М. С. Горбачевнинг 1990 йил 27 март куни СССР Президентлик кенгашида сўзлаган нутқи — «Қатъий ўзгартишлар йўлидан» китобчаси нашр этилди.

Китобчани Снёсий адабиёт нашриёти тайёрлади ва «Красний пролетарий» босмахонасида босиб чиқарилди.

(ТАСС).

СССР Президентининг АҚШга ташрифи тўғрисида

СССР Президенти М. С. Горбачевнинг АҚШга ташрифи шу йил 30 майдан 3 июнгача давом этиши ҳақида аҳдномага эришилди.

ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ В. ЯРУЗЕЛЬСКИЙНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛАДИГАН ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

СССР Президентининг таклифига мувофиқ Польша Республикасининг Президенти В. Ярузельский 1990 йил 11—14 апрель кунлари расмий ташриф билан Совет Иттифоқида бўлади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг

ҚОНУНИ

Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

7-модда. Иттифоқдош республиканинг Олий Совети референдум якунларини СССР Олий Советига тақдим этади. Ўз таркибида автоном республикалар, автоном тузилмалар ёки ушбу қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида эслатиб ўтилган миллий группалар жам бўлиб яшайдиган жойлари бўлган иттифоқдош республиканинг Олий Совети ҳар бир автоном республика, ҳар бир автоном тузилма ёки миллий группалар жам бўлиб яшайдиган жойлар бўйича референдум якунларини давлат ҳокимияти тегишли органларининг хулосалари ва таклифлари билан биргаликда СССР Олий Советига тақдим этади. Агар референдум Қонунга мувофиқ ўтказилди деб топилса, СССР Олий Совети масалани СССР халқ депутатларининг съезди муҳокамасига қўяди.

СССР Олий Совети референдум ўтказиш чоғида Қонун бузилган тақдирда республикада ёки унинг бир қисмида, ёхуд автоном тузилмада ёки ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида эслатиб ўтилган миллий группалар жам бўлиб яшайдиган жойларда уч ой муддат ичида қайта референдум ўтказилишини тайинлайди.

8-модда. СССР Олий Совети иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиш тўғрисидаги референдум якунларини ва манфаатдор томонлардан тушган таклифларни бир ой муддат ичида барча иттифоқдош ва автоном республикалар давлат ҳокимияти олий органларига, шунингдек автоном тузилмалар давлат ҳокимияти органларига юборади. Улар тегишли иттифоқдош республика СССРдан чиқиши мумкинлигига асосланиб, ҳар бир иттифоқдош ва автоном республика, автоном тузилма учун келиб чиқадиган оқибатларни ўрганадилар ва уларга баҳо берадилар.

9-модда. СССРдан чиқиш тўғрисидаги масала юзасидан иттифоқдош республикада ўтказилган референдум якунларини, шунингдек иттифоқдош, автоном республикалар давлат ҳокимияти олий органлари, автоном областлар ва округлар давлат ҳокимияти органларининг шу хусусдаги фикрларини СССР халқ депутатлари съезди кўриб чиқади. СССР халқ депутатлари съезди СССР Олий Советининг СССР таркибидан чиқадиган республика Олий Совети билан келишиб олинган тақдимномасига биноан беш йилдан ошмайдиган ўтиш даврини белгилайди. Шу даврда республиканинг СССРдан чиқиши муносабати билан юзага келадиган масалалар ҳал этилиши керак.

Ўтиш даврида СССР таркибидан чиқадиган республика территориясида СССР Конституцияси ва СССР қонунлари амал қилади.

10-модда. Агар референдум якунларига кўра, иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса, шу масалага оид янги референдум аввалги референдум ўтказилган пайтдан бошлаб камида орадан ўн йил ўтгач ўтказилиши мумкин.

11-модда. СССР Олий Совети, иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари ва ажралиб чиқаётган республика давлат ҳокимияти олий органи СССР Иттифоқи, ажралиб чиқаётган ва бошқа иттифоқдош республикалар, шунингдек автоном республикалар, автоном тузилмалар ва ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида эслатиб ўтилган миллий группаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида республиканинг СССРдан чиқиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни ҳал этишда ўтиш даври учун келиштирувчи комиссиялар тузадилар.

12-модда. Ўтиш даврида СССР Министрлар Совети ажралиб чиқаётган республика ҳукуматининг иштирокида СССР давлат чегарасига, шунингдек ажралиб чиқаётган республика территориясидаги ҳарбий объектлар ва СССР Қуролли Кучлари қисмларига тааллуқли масалалар юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда уларни СССР Президенти ва СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этади. Сўнгра бу таклифлар СССР халқ депутатларининг съезди муҳокамасига топширилади.

13-модда. СССР таркибидан ажралиб чиқадиган республика халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган принциплари ва нормаларига, шунингдек СССР қатнашчиси бўлган халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб берилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиши шарт. Ажралиб чиқувчи республиканинг СССР тузган ва қўшилиш учун очиқ бўлган кўп томонлама шартномаларда қатнашиши тўғрисидаги масала тегишли шартномада белгиланган қоидаларга биноан ҳал этилади. СССР тузган кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар ва иттифоқдош республика СССРдан чиқадиган пайтгача ўз кучини сақлаб қолаётган шартномалар агар бошқача аҳдлашувга эришилмаса, мазкур республикага нисбатан амал қилаверади.

СССР Министрлар Совети иттифоқдош республика СССРдан ажралиб чиқиши муносабати билан СССРнинг халқаро шартномалардаги иштироки билан боғлиқ барча масалаларни кўриб чиқиб, ҳал этгандан кейин ўз хулосасини СССР Президентига ва СССР Олий Советига тақдим этади.

14-модда. Ўтиш даврида СССР Министрлар Совети, иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном тузилмалар давлат бошқаруви органлари ажралиб чиқувчи республика ҳукумати билан биргаликда мулк ва моддий-молиявий ҳисоб-китоб масалаларини кўриб чиқадилар ва ҳал этадилар.

Ажралиб чиқувчи республика билан ССР Иттифоқи, шунингдек бошқа иттифоқдош республикалар, автоном республикалар, автоном тузилмалар ва ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида эслатиб ўтилган миллий группалар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ўтиш даври мобайнида қуйидаги масалалар ҳал этилиши:

1) республика территориясидаги Умумиттифоқ мулки бўлган объектлар (саноат база тармоқлари, космик тадқиқотлар, энергетика, алоқа, денгиз, темир йўл ва ҳаво транспорти корхоналари ва комплекслари, алоқа линиялари, магистрал қувурлар, СССР Қуролли Кучлари, мудофаа ва бошқа объектлар мулки), шунингдек умумиттифоқ жамоат ташкилотлари мулкининг тақдири ҳал этилиши;

2) Ажралиб чиқаётган республиканинг ССР Иттифоқи билан молия-кредит ҳисоб-китоблари, банклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибга солиниши;

3) мазкур республиканинг бошқа иттифоқдош республикалар, шунингдек автоном республикалар, автоном тузилмалар билан мулкий ва молия-кредит муносабатлари тартибга солиниши;

4) Ажралиб чиқаётган республика корхоналари ва ташкилотларининг бошқа иттифоқдош республикалар, шунингдек автоном республикалар ва автоном тузилмалар территориясида жойлашган корхоналар ва ташкилотларга нисбатан илгари ўз зиммасига олган шартномавий мажбуриятларини бажариш тартиби аниқланиши;

5) Умумиттифоқ мулки ёки бошқа иттифоқдош республикалар, шунингдек автоном республикалар ва автоном тузилмалар мулки базасида ташкил этилган қўшма корхоналар ёки корхоналар филиалларининг ҳуқуқий мақоми ва ҳисоб-китоб шакллари белгиланиши;

6) Ажралиб чиқувчи республика территориясида объектлар барпо этиш учун ёки мазкур республика ва унинг аҳолиси талаб-эҳтиёжларини қондириш учун олинган кредитлар ва қарзлар юзасидан, шунингдек мазкур республика фойдаланган Умумиттифоқ харидлари ва программаларини амалга оширишга сарфланган кредитлар ва қарзларнинг тегишли қисми юзасидан бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳисоб-китоб тартиби келишиб олиниши;

7) Ажралиб чиқувчи республика СССР таркибига кирган пайтда унга қарашли бўлмаган территорияларнинг мақоми келишиб олиниши;

8) ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида эслатиб ўтилган миллий группалар жам бўлиб яшайдиган территорияларнинг мақоми улар референдумда билдирган хоҳиши натижаларини ҳисобга олган ҳолда келишиб олиниши;

9) СССР таркибидан чиқувчи республика территориясидаги тарихий ва маданий ёдгорликлар ҳамда қабрлар сақланиши кафолати таъминланиши;

10) ўзаро бартараф этиш талаб қилинадиган бошқа масалалар ҳал этилиши зарур.

15-модда. Ажралиб чиқувчи республика территориясида истиқомат қилувчи СССР гражданларига гражданлик, истиқомат жойи ва иш танлаш ҳуқуқи берилади. Ажралиб чиқувчи республика гражданларнинг ўз территориясидан кўчиб кетиши билан боғлиқ барча харажатларни тўлайди.

16-модда. Халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган принциплари ва нормаларига ҳамда СССРнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ ажралиб чиқувчи республика ўз территориясида яшаб қоладиган СССР гражданларининг ирқий, жинсий белгиларига, қайси тилда гаплашиши диний, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий мавқеи, қаерда ва қачон туғилганига қараб ҳеч бир камситмаган ҳолда уларнинг гражданлик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди.

17-модда. Ажралиб чиқувчи республиканинг судлари томонидан ҳукм қилинган ва СССР территориясида жазони ўтаётган гражданлари бундан буён жазони ўташ учун мазкур республикага берилиши керак.

Ажралиб чиқувчи республиканинг ССР Иттифоқи ёки бошқа иттифоқдош республиканинг судлари томонидан ҳукм қилинган ва СССР территориясида жазони ўтаётган гражданлари агар улар мазкур республика территориясида жиноят содир этган шунинг учун жазоланган бўлсалар, бундан буён жазони ўташ учун ана шу республикага юборилиши керак.

Ажралиб чиқувчи республиканинг ССР Иттифоқи ёки бошқа иттифоқдош республика судлари томонидан ҳукм қилинган гражданлари агар содир этган ва шунинг учун жазоланган жиноятларининг ҳеч бўлмаса биттасини ажралиб чиқувчи республика территориясидан ташқарида содир этган бўлса, уларни ажралиб чиқувчи республикага юбориш тўғрисидаги масалаларни СССР бош прокурорининг тақдимномасига ёки ана шу республика олий судининг талабномасига кўра СССР Олий суди кўриб чиқади.

ССР Иттифоқи ёки ҳар қандай иттифоқдош республиканинг судлари томонидан ҳукм қилинган ҳамда ажралиб чиқувчи республика территориясида жазо муддатини ўтаётган СССР гражданлари, чет эл гражданлари ва гражданлиги бўлмаган шахслар ССР Иттифоқига топширилади.

18-модда. Ажралиб чиқувчи республика территориясида ҳуқуқ бузилиши фактлари асосида қўзғатилган ва ССР Иттифоқи органлари ихтиёрида бўлган барча маъмурий ва жиноий ишлар ССР Иттифоқи прокуратураси ёки СССР Олий суди орқали ана шу республика органлари ихтиёрига ўтказилади.

Ҳуқуқ бузилишларининг бирортаси ажралиб чиқувчи республика территориясидан ташқарида содир этилган ҳолатларга, шунингдек ҳарбий трибуналлар суд қилиши лозим бўлган жиноий ишларга ушбу қоида жорий этилмайди. Ишларни топшириш тўғрисидаги масалалар қуйи прокурорнинг тақдимномасига ёки ажралиб чиқувчи республика прокурорининг талабномасига кўра СССР бош прокурори томонидан, агар иш суд органида бўлса, СССР Олий суди томонидан ҳал этилади.

Агар ажралиб чиқувчи республика билан ССР Иттифоқи ўртасидаги битимда бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса, ўтиш даврида барча гражданлик ишлари ССР Иттифоқининг граждан қонунлари ва гражданлик процессуал қонунларига мувофиқ ҳал этилади.

19-модда. Ўтиш даврининг сўнгги йилида ажралиб чиқувчи республика давлат ҳокимияти олий органининг ташаббуси билан иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш масаласи юзасидан қайта референдум ўтказилиши мумкин. Республика территориясида доимий истиқомат қилувчи ва ССР Иттифоқи қонунларига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган СССР гражданларининг ўндан бир қисми талаб қилса, қайта референдум ўтказилиши шарт.

Қайта референдум ўтказиш тўғрисидаги масала ўртага қўйилган пайтда республика территориясида доимий истиқомат қилувчи ва ССР Иттифоқи Қонунларига мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган СССР гражданларининг учдан икки қисмидан камроғи иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги қарорни ёқлаб овоз берса, иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги қарор бекор қилинган деб ҳисобланади ва ушбу Қонунда кўзда тутилган тадбирлар тўхтатилади.

20-модда. Ўтиш даври тугаши билан ёки ушбу Қонунда кўзда тутилган масалалар муддатидан илгари бартараф этилган тақдирда СССР Олий Совети бир томондан, ажралиб чиқувчи республиканинг иккинчи томондан ССР Иттифоқи, иттифоқдош республикалар, шунингдек автоном республикалар, автоном тузилмалар ва ушбу Қонун 3-моддасининг иккинчи қисмида эслатиб ўтилган миллий группаларнинг манфаатларини келишиб олиш ва шикоятларни қондиришга оид жараён тугаганлигини тасдиқловчи қарор қабул қилиш учун СССР халқ депутатларининг съездини чақиради.

СССР халқ депутатларининг съезди шундай қарор қабул қилган пайтдан бошлаб иттифоқдош республика СССРдан ажралиб чиққан деб ҳисобланади, ажралиб чиққан республикадан СССР халқ депутатлари ўз ваколатларидан маҳрум бўладилар.

СССР халқ депутатлари съезди СССР Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

СССР Олий Советининг қарори

«Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги масалани ўртага қўйиш билан боғлиқ ва «Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунига зид бўлган ҳамда ушбу Қонун кучга киргунча ва ундан кейин қабул қилинган ҳар қандай ҳаракат ССР Иттифоқи учун ҳам, шунингдек Иттифоқдош республикалар учун ҳам ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармаслиги белгилаб қўйилсин.

3. Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари Иттифоқдош республикаларнинг қонунларини «Иттифоқдош республиканинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирсинлар.

СССР Олий Советининг Раиси
Москва, Кремль. 1990 йил 3 апрель.

А. ЛУКЬЯНОВ.

«ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

«Правда» саҳифаларида КПСС Марказий Комитети сиёсий раҳбариятининг аъзолари, партия Марказий Комитетининг аъзолари партияни янгилашнинг, жамият турмушининг энг ўткир масалалари юзасидан дарҳол ва мунтазам равишда изоҳлар бериб туришлари зарур.

Партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар каби муҳим сиёсий тадбирлар, партия ташкилотларининг кундалик фаолияти, шунингдек барча поғоналардаги халқ депутатлари Советларининг, давлат идораларининг, жамоат ташкилотларининг иши ҳам «Правда»нинг диққат марказида туриши керак.

Ғоявий-сиёсий соҳадаги хилма-хил, зиддиятли жараёнлар «Правда» саҳифаларида журналистлар томонидан чуқур тадқиқ қилинишига, холисона ёритиб берилишига муҳтож. Кўп қатламли ва кўп қиррали ижтимоий турмуш, жамоат ҳаракатлари ва гуруҳларининг турли позицияларини билимдонлик билан пухта таҳлил этиш, улар билан амалий мулоқот қилиниш партиянинг қайта қуриш борасидаги заковат имкониятларини ҳар томонлама ошириш керак. Ҳақиқат сабоқларини ёдда тутиб ва ривожлантириб, ўтмишимиздаги авторитар-бюрократик бузилишларнинг маҳсули, социалистик принциплар топталганлигининг оқибати бўлган нарсаларни партия билан халқнинг ўз мамлакатимиз ва бутун инсоният тараққиётига қўшган амалий ҳиссасидан аниқ фарқ қилиш муҳимдир. Тарихий меросимиздаги жамики чинакам қимматли ютуқларни йўқ қилиб ташлаш, ахлоқий ва маънавий йўл-йўриқларимизни, социалистик эътиқодга ва комунистик истиқболга садоқатимизни шубҳа остига қўйиш йўлидаги уринишларга қарши туриш зарур.

Лениндан қолган меросни замонавий идрок этиш, бу меросни жамиятни қайта қуриш тажрибаси билан, унинг олий мақсадлари билан жонли равишда бирга қўшиш — «Правда»нинг, бутун партия матбуотининг бурчидир. Ленин таълимотига содиқ бўлиб қолишнинг дунёқараши ва методологиясини ривожлантириш, янги хулосалар ва қоидалар билан бойитиш, айрим вазият тақозо этган ва фақат ўз даврига мансуб бўлган баъзи ибораларни қонун тусига киритишдан бутунлай воз кечиш, Ленин меросини ва В. И. Ленининг шахсини сохталаштириш ва бадном қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишлардан ҳимоя қилиш демакдир.

«Правда» гуркираб ривожланаётган, инсонпарвар, демократик социализмнинг ҳозирги концепциясини ишлаб чиқишга, жамиятни ижтимоий янгилаш тажрибасини умумлаштиришга қаратилган жамоатчилик фикрининг нуфузли минбари бўлиши, назариятда ҳам, амалда ҳам омманинг ижоди, жамият тўғрисидаги фанларнинг ривожи туфайли юзага келаётган ҳамма янги, илғор фикрларни тушунарли тилда яққол тарғиб қилиши лозим.

Инсон «Правда»нинг, бутун партия матбуотининг диққат марказида бўлиши керак. Редакциянинг ва газета журналистларининг энг муҳим вазифаларидан бири партиянинг инсон манфаатларини, унинг талаб ва эҳтиёжларини кўзлайдиган фаол ижтимоий сиёсатини турмушга татбиқ этишдан иборат. Ижтимоий адолат жамияти инсонпарварлик олий мақсадларини кўзлаб яшайдиган бўлиши, шахсни ҳар томонлама камол топтиришни, унинг барча хилма-хил маънавий ва моддий эҳтиёжларини диққат марказида тутиши лозим.

Демократия ва ошкораликни кенгайтириш шароитида мамлакат гражданлари ўз манфаатларини рўёбга чиқариш, талаблар қўйиш учун янги имкониятлар оладиган бўлишларини, қайта қуришнинг боришига меҳнаткашларнинг таъсири, назорати кучайишини эътиборга олиш лозим. Бироқ бунда ишни яхшироқ ташкил этиш, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш, ишга янги муносабат асосидагина ижтимоий-иқтисодий тарздаги талаблар қондирилиши мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак.

«Правда», бутун матбуотимиз барча поғоналарда сўз билан ишнинг бирлиги тўғрисидаги масалани ўткир қилиб қўйиши, қабул этилган қарорларнинг бажарилиши ошкоралигини назорат остига олиши лозим.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги тадбирлар мажмуасига алоҳида эътибор бериш даркор, бу тадбирлар ҳаракатимиз жўшқинлигини, меҳнат унумдорлигининг, маҳсулот сифатининг янги кўрсаткичларига эришишни таъминлаши керак. Фундаментал илмий тадқиқотларни, энг янги технологияларни, инсон ҳақидаги фанлар мажмуасини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, космосни ўзлаштиришдаги, инсониятнинг ялпи моддий-маданий ҳаёт қилишдаги ютуқларни ёритиш лозим.

Ташкилотчилик ва сиёсий ишни меҳнат коллективларининг фаолияти самарадорлигини оширишга, туб иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришга, мамлакатдаги иқтисодий вазиятни соғломлаштиришга қаратиш зарур. Хўжалик механизмини ва бошқарувни такомиллаштириш, иқтисодиётнинг тузилишини ўзгартириш, хўжалик ҳисобини ҳамма жойда жорий қилиш, маҳсулот ва умуман иш сифатини ошириш билан боғлиқ масалаларни изчиллик билан ҳал этиш, резервлардан тўлиқ фойдаланиш учун кураш, меҳнат, ишлаб чиқариш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш — «Правда»нинг ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг фаолиятидаги бош йўналишлар бўлиб қолиши керак.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг иқтисодий изланиш туфайли юзага келган янги шаклларини дарҳол ва шу билан бирга батафсил ёритиб бориш, иқтисодий тафаккурни ривожлантиришга кўмаклашиш лозим. Ижара, тўла хўжалик ҳисоби, пудрат, акционерлик ва бошқа замонавий усуллар асосида ишлаб чиқариш миқёсларини, минтақаларнинг хусусиятларини, бирлашув алоқалари ривожланганлигини эътиборга олиб, давлат мулкини меҳнаткашларнинг ўзлари демократик бошқарадиган мулкка айлантириш муҳим вазифадир. Партия меҳнат билан топилган шахсий мулкнинг, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларига шахсий мулкчиликнинг мавжудлиги мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичига зид эмас, деб ҳисоблайди.

Изланувчан ҳар бир кишини, ҳар бир новатор коллективни фаол қўллаб-қувватлаш, илғорларнинг тажрибасини кенг тарғиб қилиш билангина чекланмасдан, шу тажрибанинг тезроқ жорий этилишига ҳаракат қилиш, меҳнат коллективи турмушидаги зарур муаммолар ҳал этилишига бутун чоралар билан кўмаклашиш — матбуотнинг бурчидир.

Давлатимизнинг келажаги жуда кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатларнинг қандай таркиб топишига боғлиқ бўлади. Бу эса «Правда» газетаси редакциясидан, барча оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиздаги халқлар ва элатлар ривожланишининг, улар бутун кўп қиррали турмушининг, барча шакллардаги миллатчиликка ва шовинизмга қарши фаол курашишнинг мураккаб муаммоларини ёритишга масъулият билан чуқур ёндашишни талаб қилади. Мамлакатнинг бутун территориясида ҳар қандай миллатга мансуб гражданнинг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш; иттифоқдош республикалар суверенитетини амалий равишда тўлдириш ва миллий автономияларнинг барча турлари мустақиллиги янги даражаси; муштарак мақсадларга эришиш йўлида ўз ҳуқуқларининг бир қисмини иттифоққа ихтиёрий равишда топширадиган эркин ва тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси бўлмиш мамлакатнинг яхлитлигини сақлаб қолиш — партия сиёсатининг энг муҳим қоидаларидир.

«Правда» газетаси, партия матбуоти жамият маънавий турмушининг барча соҳаларини ривожлантириш ва поклашга кўпроқ ҳисса қўшишлари, халқнинг сиёсий интеллектуал, маданий имкониятларини намоён этишлари ва кўпайтиришлари лозим. Қайта қуриш мантиқи ва моҳиятининг ўзи дунёқараш, сиёсат, ишлаб чиқариш маданиятини, инсоний мулоқот маданиятини, экологик, бадиий, ҳуқуқий маданиятни социалистик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг зарур шарти сифатида зўр бериб юксалтиришни талаб қилади.

Маданиятнинг жамики имкониятлари мамлакатдаги маънавий иқлимни соғломлаштиришга, маънавийликнинг умумбашарий нормалари қоидаларини қарор топтиришга қаратилиши керак. Бу соҳада кўп нарса оилага, мактабга, болалар, барча ёшлар тарбиясига ҳам боғлиқдир. Мана шу ҳаётий муҳим муаммолар «Правда» саҳифаларида жуда кенг акс эттирилиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг органи партиянинг ташқи сиёсий фаолиятини муфассал ёритиб бориши лозим. Партиянинг янги тафаккурга асосланган сиёсати ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар берди: дунё муҳолифлик кишанларидан қутулмоқда, қуролсизланиш ишида, ядро қуролини босқичма-босқич тугатиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Жаҳон ҳарбий можароси хавфи камайди. Мана шуларнинг ҳаммаси ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ички вазифаларни ҳал этишга ҳам кўмаклашмоқда. Шу билан бирга инсониятнинг тинч келажаги олий мақсадларини рўёбга чиқариш учун ҳали катта ва қийин йўл босиб ўтилиши лозим. «Правда»нинг, партия матбуотининг вазифаси эса шу олижаноб мақсадларни рўёбга чиқаришда фаол ёрдам беришдан, шу билан бирга реакция, милитаризм ва империализм кучларига қарши курашишдан иборат.

Қарорда партия комитетларининг «Правда» билан, бутун партия матбуоти билан алоқасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланади. «Правда» газетасининг редакцияси, барча партия комитетлари газетада босилган мақолаларнинг таъсирчанлигини таъминлаш ишини фаолроқ олиб боришлари лозим. «Правда»нинг принципиал чиқишларига партия комитетларининг, мансабдор шахсларнинг муносабати — жойларда ва марказда қайта қуришнинг ўзи қандай ҳаракат қилаётганлигини кўп жиҳатдан ифодалайдиган умумлашма кўрсаткич деб баҳолаш айтиш мумкин. Ошкоралик етарли баҳо бермаслик, танқидга тўсқинлик қилиш муқаррар равишда қолоқлик ва турғунликка олиб боради. Партия комитетлари принципиаллик, холислик, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътибор билан қараётган жойларда матбуотнинг танқидий материаллари ёрдам бериш деб, хатоларни бартараф этиш ва камчиликларни тузатишнинг фаол воситаси деб баҳоланмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг ўткир чиқишлари ўзларини адолатли мулоҳазалардан четга олишга уринаётган, ўзларини бенуқсон деб ҳисоблаб, ички сирни ошкор қилишга ботинган кишиларга зуғум қилаётган кимсаларга нисбатан аниқ-равшан чоралар кўриш билан мустаҳкамланмаса, аксинча, ошкоралиқни ривожлантириш тўғрисидаги шиорлар қуруқ гап бўлиб қолаверади.

Партия комитетларининг ходимлари ўзларини партия журналистлари билан ўзаро муносабатларда ўртоқ ва ҳамкасб деб ҳис қилишлари, матбуотда босилган материалларнинг таъсирчанлигини таъминлашда ёрдам беришлари, фаол муаллифлар сафини кенгайтиришлари, ўртоқлик кайфиятини қарор топтиришлари керак. Ҳаёт ўртага қўяётган муаммоларни ҳал этишда парткомлар билан матбуотнинг мустаҳкам ўзаро алоқаси — қайта қуришнинг инсонпарварлик мақсадларини рўёбга чиқариш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги мажбурий шартдир.

Айниқса, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги шароитида мана шу масъулиятли вазифаларни рўёбга чиқариш «Правда» бутун партиявий публицистикамиз журналистларидан юксак билимдонликни, турмушга чуқур кириб боришни, фикр ўткирлиги ва касб маҳоратини талаб қилади. Жамияттаги жараёнлар, эҳтирослар, манфаатлар курашида жўшқин давом этмоқда, бу ҳақда холисона, вазмин, ишбилармонлик билан ва айни вақтда эҳтирос ва манфаатдорлик билан, қалб қўрини қўшиб ёзиш зарур. Журналистлар тажрибасидан гуруҳбозликни, вақтинчалик манфаатни кўзлаб иш тутишга ружў қилишни, манфаатпарастликни тугатиш зарур, бу иллатлар оммавий ахборот воситаларининг материалларига салбий фикрни келтириб чиқаради, одамларни ҳақли равишда норози қилади.

Зиёлиларнинг энг яхши намояндалари ҳамиша социалистик Ватанга, ўз халқига садоқат билан хизмат қилиб келганлар. Муҳаррирлар нашрларнинг мазмуни, матбуот сўзининг ҳаққонийлиги учун шахсан жавоб берадилар. Коммунист журналист қайси соҳада ишламасин, у партиянинг фаол ва замонавий, ўткир зеҳнли жангчиси бўлиши лозим.

«Правда» газетаси редакцияси партия ташкилотининг фаолиятини, дейилади қарорда, ходимларнинг ижодий куч-ғайратларини оширишга, уларнинг журналистлик маҳорати, сиёсий билим даражасини кўтаришга, ўзаро талабчанлик, партиявий ўртоқлик муҳитини вужудга келтиришга, ҳар бир коммунистнинг қайта қуриш тақдири учун масъулиятини кучайтиришга қаратиш керак.

«Правда» редакцион коллегияси ва редакция коллективининг бутун диққат-эътибори доимо мухбирлар тармоғини ривожлантириш, мухбирлик пунктларининг узлуксиз ишлаб туриши, улар теварагида кўплаб фаол муаллифларни уюштириш ва жипслаштириш, ўз мухбири фаолиятининг психологик, касб-кор хусусиятлари, унинг редакция аппаратидаги, шунингдек минтақа турмушидаги, маҳаллий сиёсий, ижтимоий, жамоат муассасалари ва ташкилотлардаги ўрни масалалари туриши керак.

Маҳаллий партия органлари газета мухбирларига ўз вазифаларини баракали ва самарали бажаришларида ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим.

«Правда» газетасининг редакцион коллегиясига меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашнинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бунда редакция давлат ёки маҳкама идораси эмас, балки ижодий ташқилот эканлигига асосланиб иш тутиш зарур. Бинобарин, хатлар билан ишлашдан кузатилган мақсад — партия ва давлат сиёсатининг асосий йўналишларида ижтимоий фикрни ўрганишдан иборат. Редакцияга КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академияси ва СССР Фанлар Академияси билан биргаликда уларнинг базасида жамоатчилик фикрини ўрганувчи махсус гуруҳларни тузиш, энг муҳим масалалар юзасидан газетада босилган материаллар борасида газетхонлар билан дарҳол савол-жавоб ўтказиб туриш тавсия этилди.

Партия марказий органининг обрў-эътиборини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлик — партиянинг азалий анъанасидир. «Правда» газетаси мамлакат ақл-заковатли ва ижодкор кучларини ўзига жалб этадиган ҳақиқий марказ бўлиб қолишига, унинг саҳифаларида чиқиш шон-шараф иши деб ҳисобланишига эришилсин. Редакция коллегияси энг яхши журналистлар «Правда» билан ҳамкорлик қилишлари учун имкони бўлган ҳамма ишни қилиши лозим. Мамлакатда «Правда» дўстлари» клубларини тузишга ижобий назар билан қаралсин. «Правда»нинг ҳар йилги фестивалларини ўтказиб туриш одат тусига киритилсин, бу фестиваллар муҳим сиёсий тадбирга айлантирилсин.

Маҳаллий партия матбуоти билан ишлаш редакциянинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин. Газетада матбуот, радиоэшиттириш ва телекўрсатув обзорлари мунтазам эълон қилиб турилсин. Маҳаллий журналистларнинг тажриба ўрганиб кетиши йўлга қўйилсин, тажрибали «Правда»чиларнинг маҳаллий касбдошлари билан учрашиш учун бориб туришлари одат тусига киритилсин.

Газета редколлегиясига редакциянинг тузилиши, унда қанча одам ишлашини белгилашга, мамлакатдаги ва чет эллардаги мухбирлар пунктини очиш ва ёпишга тааллуқли масалаларни шу мақсадлар учун белгилаб берилган одамлар сони доирасида ҳал этиш, редакция ходимлари билан меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи берилди.

«Правда» газетасининг редакциясига ва КПСС Марказий Комитетининг Ишлар мудирлигига газета редакцияси ва нашриётнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш ва улар коллективининг ижтимоий ривожланиши юзасидан таклифлар тайёрлаб, КПСС Марказий Комитетининг секретариати муҳокамасига тақдим этиш топширилди.

ХАЛҚЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ УЧУН

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссияси мажлисида автономиялар ҳуқуқлари тўғрисидаги масала «Иттифоқ шартномасини янгилаш ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар ваколатларини белгилаб бериш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамаси ғоят мураккаб ўтди.

Депутатлар турли фикрларни билдиришди. Баъзилар иқтисодий ва сиёсий масалаларда автономияларга умуман ҳеч қандай ваколат бермаслик керак, деб ҳисоблашмоқда. Бошқалар эса автономиялар билан республикаларнинг имкониятларини тенглаштиришни, автономияларнинг республикаларга нисбатан суверенитетини мустаҳкамлашни, республикалар билан автоном тузилмаларга ўртасида улар муносабатларини белгилаб берувчи шартномалар тузишни ёқлаб чиқдилар.

Гарчи комиссия аъзолари ҳужжатни умуман маъқуллаган бўлсаларда, якдил фикрга кела олишмади. Депутатларнинг бир қисми Иттифоқ шартномаларини пардозлаш билан шуғулланмай, тўбдан қайта ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблашмоқда.

Москва.

В. ЗЕНЬКОВИЧ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

ҚАРОР ЎЗГАРТИРИЛДИ

ЛЕНИНГРАД, 5 апрель. (ТАСС мухбири). КПСС область комитети бюроси партия ташкилотларидан, Ленинград жамоатчилигидан тушаётган мурожаатлар муносабати билан КПСС Марказий Комитети аъзоси, иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Ю. Ф. Соловьевнинг партиядан ўчирилиши масаласини қайта кўриб чиқди.

КПСС Ленинград область комитети матбуоти маркази вакилининг хабар беришича, прокуратура Ю. Ф. Соловьевнинг чет эл маркасидаги автомобилни сотиб олиш тафсилотларини текшириши чоғида амалдаги юридик нормалар бузилмаганлигини аниқлади.

КПСС область комитети бюроси ўзининг илгариги қарорини бекор қилди ва бу масалани КПСС Ленинград область комитети ҳамда шаҳар комитетининг қўшма пленумида муҳокама қилишга киритмаслик мумкин, деб ҳисоблади.

КПСС XXVIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

«Партиянинг ўзи тубдан қайта қурилмаса, у пешқадамлик позициясини сақлаб қола олмайди, ўзи бошлаган ва халқ қўллаб-қувватлаган ишни мана шу кескин бурилиш даврида давом эттира олмайди».

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастуридан)

• *Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар*

БУЙРУҚ ЭМАС, МАСЛАҲАТ КЕРАК

Ғиждувон деҳқончилик саноати район уюшмаси коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишига белгиланган муддатдан вақтлироқ бориб, суҳбат устидан чиқиб қолдик. Йиғилишдан бироз олдин келган коммунистлар ўзлари ишлаётган ташкилотнинг номи кейинги 20—30 йил ичида бир неча марта ўзгаргани тўғрисида баҳслашмоқда эдилар. Кимдир бармоқ букиб, олти марта деса, бошқа бири ўн марта, дер эди.

Дарҳақиқат, ҳозир жонли тилда РАПО деб аталаётган бу ташкилотнинг олдинги номларини санаб ҳисобдан адашасиз. Шунинг учун ҳам даврадаги суҳбатдошлар «ҳозир номимиз РАПО, кейин қандай аталаркинмиз», деб ташвишланганларича бор.

Кўп ўтмай бошланган йиғилишда ҳам бошланғич ташкилот секретари И. Қодировнинг ҳисобот докладидан сўнг мунозара яна шу мавзуга кўчди.

— Қишлоқ хўжалигимиздаги инқирознинг асосий сабабларидан бири барча даражадаги бошқарувда маъмуриятчиликка зўр берилганидир, — деди биринчи бўлиб сўз олган кадрлар бўлими бошлиғи, уюшма меҳнат ва уруш ветеранлари кенгаши раиси М. Бақоев. — Ташкилотимиз номи балки ўн марта ўзгаргандир, иш шакли эса ўзгармай қолди.

Бирин-кетин минбарга чиққан уюшма раисининг иқтисод бўйича ўринбосари А. Қодиров, техника назорати инспектори М. Норқулов нотиқнинг фикрини мантиқий давом эттиришди. Мисол тарзида Ленин номли колхознинг иқтисодий аҳволи таҳлил этилди. Мазкур хўжаликда ҳар минг гектар экин майдонига 15 та ўрнига 26 та техника воситаси тўғри келмоқда. Ўтган йили ҳар бир центнер пахтанинг таннархи 55 сўм ўрнига 65 сўм бўлди. Фақат пахтачилик соҳасида район хўжаликларида 1,5 миллион сўмлик ортиқча техника воситалари мавжуд. Бу колхозларнинг иқтисодиётига оғир юк бўлиб тушмоқда. Шундай бўлишига қарамай, айрим раҳбарлар пахта териш машиналарини яна харид қилишмоқда. Сирасини айтганда, уларга машиналарнинг терим агрегати эмас, трактори керак. Хўжалик раҳбарларига иқтисодий масалаларга бундай енгил-елпи муносабатнинг оқибати хунук бўлишини тушунтириш лозим.

Мунозарада сўзга чиққан нотиқлар энг долзарб муаммо — қабул қилинган қарорлар ижроси ҳақида батафсил тўхталдилар. Партия обрўсини тиклаш асосан партия ташкилотининг ишчанлигини, жанговарлигини, ўзи қабул қилган қарорларнинг ижросини, коммунистларнинг бу соҳадаги ишга фаол иштирокини таъминлашга боғлиқ, — дейишди нотиқлар. — Аммо амалда ҳамиша шундай бўлаётгани йўқ. Ижро таъминланмаётгани сабабли бир масала юзасидан кетма-кет бир неча қарорлар' қабул қилишга тўғри келяпти. Улар бажариладими, йўқми, кўп коммунистлар бундан бехабар бўлаётирлар. Тўғрироғи, коммунистларнинг ўз ташкилотлари ҳаётига фаол иштироки тўла. таъминланмаяпти. Партия ташкилотининг обрўси тушаётганининг сababи ҳам ана шунда.

Район бош ер тузувчиси Ҳ. Ҳафизов ва уюшма раиси У. Ражабов ўз сўзларини айрим коммунистлар айби билан содир бўлаётган планлаштиришдаги қусурларга қаратдилар. Район хўжаликларидаги планлар кўпинча мавжуд имкониятларни инобатга олмай тузиляпти. Ҳозир районда шундай вазият вужудга келганки, хўжаликлардаги барча моллар сўйишга топширилган тақдирда ҳам гўшт тайёрлаш йиллик планини бажариш амри маҳол. План паррандачилик фабрикаси улуши ҳисобигагина адо этилмоқда. Районда иккита хўжаликнинг майдонига тенг ер аҳолига уй-жой ва томорқа учун тақсимлаб берилди. Планлар эса йил бошидаги даражадан пасайгани йўқ. Пахта топшириш йиллик плани гектаридан 36,1 центнер даражасида белгиланган.

Коммунистлар бундай муаммоларни ҳал қилиш учун уюшма мутахассисларидан ижодкорлик талаб қилинишини алоҳида таъкидлашди. Энди маъмурий-буйруқбозликдан амалий ишга ўтиш лозим. РАПО мутахассислари деҳқоннинг энг яқин маслаҳатчиси бўлишлари зарур.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида бу соҳада аниқ таклифлар билдирилди. Уларнинг кўпини район партия комитети ўз назоратига олди.

Рандаги бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар поёнига етмоқда. Ҳисобот-сайловларда райондаги ҳар икки коммунистдан бири сўзга чиқди. Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини қайта қуриш талаблари асосида олиб бориш юзасидан кўплаб таклиф ва мулоҳазалар баён этилди.

Таклифлар кўплигининг боиси КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва янги Устав лойиҳаларидир. Уларда баён этилган қоида ва хулосалар ғиждувонлик коммунистларни бефарқ қолдирмаяпти.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● Риштон шаҳридаги йигирув-тўқув фабрикаси ишчилари ўн иккинчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини барвақт бажариш учун мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар. Корхонада дастгоҳларни моҳирлик билан бошқараётган ишчиларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил этади.

Тўқувчи Ўлмасхон Исаева мусобақа илғорларидан бири сифатида корхонада довруғ қозонган. У ойлик планини доим ортиғи билан адо этиб келаётир.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МУДОФАА ВА ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ КОМИТЕТИДА

5 апрель куни Москвада СССР Олий Совети мудофаа ва давлат хавфсизлиги масалалари комитетининг иш планига мувофиқ В. Л. Лапигин раислигида капиталистик давлатлар махсус хизмат маҳкамаларининг Совет Иттифоқига қарши фаолияти тўғрисидаги ахборот ёпиқ мажлисда эшитилди. Бу мавзуда СССР Давлат хавфсизлиги комитети раисининг ўринбосари В. Ф. Грушко ахборот берди. У комитет аъзоларининг саволларига ҳам жавоб қайтарди. Сўнгра улар чет эл махсус хизмат маҳкамаларининг СССРга қарши разведка фаолияти воситалари экспозициясини кўздан кечирдилар. СССР Олий Советининг комитети муҳокама натижалари юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Н. В. Ефимов олиб борди.

Марказий сайлов комиссияси такрорий сайловларга Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш якунларини муҳокама қилди. 37 та депутатлик мандатига кўрсатилган 227 номзоддан 207 номзод рўйхатга олинди. Улар орасида 11 аёл, 174 нафар КПСС аъзоси ва аъзолигига номзод, 37 нафар ишчи ва колхозчи, корхоналар раҳбарлари ва халқ хўжалиги барча тармоқлари мутахассисларидан 58 киши бор.

Рўйхатга олинганлар орасида республика ҳудудида истиқомат қилаётган 12 миллат вакиллари бор.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида» Ўзбекистон ССР Қонунининг 54-моддасига мувофиқ 248-Учқўрғон сайлов округи ва 301-Қорадарё сайлов округи бўйича ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайловини 20 май якшанба кунига белгилади.

Республика халқ депутатлигига номзодларни рўйхатга олишдан бош тортиш масалалари юзасидан гражданлардан тушган бир қанча мурожаатлар ва шикоятлар кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарор қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров қатнашди.

РЕСПУБЛИКА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

6 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиллик умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, илмий тадқиқотларни ташкил этишни янада такомиллаштириш, республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга фан қўшадиган ҳиссани кўпайтириш вазифалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фаолиятининг асосий якунлари ҳамда жамиятни янгилашда фаннинг роли тўғрисида республика Фанлар академиясининг президенти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. С. Салоҳиддинов доклад қилди.

Фанлар академияси Президиумининг бош илмий секретари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. Ш. Шарифхўжаевнинг Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг 1989 йилдаги иши ҳамда 1990 йилги илмий тадқиқот ишлари режалари ҳақидаги маърузаси тингланди.

Йиллик йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раиси Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

САМАРАЛИ ИШЛАШЛАРИ УЧУН

ЖУМҲУРИЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ С. БАҲРОМОВ БИЛАН СУҲБАТ

Бу йилги жаҳон саломатлиги кунининг шиори «Сайёрамиз — саломатлигимиз»га бағишланган. Ҳақиқатан, биз инсоният тарихи давомида ҳеч қандай нуқсон бўлмаган деб ўйлардик. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб атроф-муҳитимиз тобора ёмонлашиб бораётганлигини ҳис этдик. Бугунги кунда ер юзининг 400—500 миллион кишиси ғоят ифлос ҳаводан нафас олмоқда. Бу эса турли хил касалликларни келтириб чиқармоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир. Жаҳон саломатлиги кунида ҳам муқаддас шиор — сайёрамизнинг беталофатлиги учун курашайлик.

— **Саиджалол Маҳмудович, маълумки, ўтган йилнинг охирида даволаш-профилактика ташкилотларида ишлаш учун олий ва ўрта тиббий билим юртлари ва институтлари талабаларини кўпроқ жалб қилишни тавсия этган эдингиз. Бундай тадбирни шифохоналарда жорий қилиш сабаблари хусусида тўхталсангиз.**

— Мен саволингизга атрофлича жавоб бермоқчиман. Кейинги йилларда матбуотда соғлиқни сақлаш масалаларига бағишланган саҳифалар, хатлар, қолаверса, бу масала юзасидан бизларга аҳолининг бевосита мурожаатларида касалхоналардаги шифокорларнинг фикрлаш доиралари, савиялари, малакаларининг пастлиги тўғрисида сўз боради.

Бу, кўнгилсиз муаммолар заминида жумҳуриятимиздаги тиббий билим даргоҳларидаги камчиликлар ва етишмовчиликлар, ўқув ва кўрсатмали қуроллар сифатининг пастлиги, замонавий техник воситалар, ўқув-методик қўлланмаларнинг етишмаслиги, шу билан бирга олий ўқув даргоҳларида юқори малакали педагог мутахассисларнинг камлиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши табиийдир.

Бундай камчиликларни йўқотиш мақсадида жумҳурият Соғлиқни сақлаш нозирлиги томонидан қатор тадбирий-чоралар амалга оширилишига қарамай, ҳали бу соҳада қилинадиган ишларимиз талайгина.

Саволингизга келсак, шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Кўп йиллик тажрибаларимиз гарчи тиббий билим даргоҳларида ўқитиш учун қулай шароитлар мавжуд бўлганида ҳам, талабаларнинг етук мутахассис бўлиб шаклланишларида ўқиш билан бирга ўзларининг амалий қобилиятларини доимий равишда такомиллаштириб боришлари асосий ўринни тутади.

Шунинг учун ҳам айрим тараққий қилган мамлакатларда тиббий дорилфунунларни битириб чиққан талабалар яна бир неча йил давомида ўзлари танлаган мутахассисликлари бўйича малакаларини оширадилар ва ўзлари танлаган соҳа бўйича ишлашга рухсат этилади.

Бизнинг шароитимизда олий ва ўрта тиббий ўқув юртларида таълим олаётган талабаларни ўзлари танлаган касблари бўйича ишга жалб қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Биз бу ишни орқага сурмай иложи борича эрта бошлашимиз, талабаларнинг биринчи қадамиданоқ, яъни, биринчи курсдан бошлаб билим савиясига, қобилиятига қараб мутахассис чиқиши табиийдир.

> *Бугун — Жаҳон саломатлик куни*

Ишонаманки, тиббий институт ва билим юртларининг талабаларини ўзлари танлаган соҳалари бўйича ишга жалб этиш уларга моддий томондан ҳам фойда келтиради. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, жумҳуриятимизда 20 минг ўрта медицина ходими етишмайди, кичик медицина ходимларининг етишмаслиги ундан ҳам ортиқроқдир. Бундай ҳолатда шифокорларимиз ўрта медицина ходимларининг вазифаларини, улар эса ўз навбатида кичик тиббий ходимларнинг вазифаларини бажармоқдалар.

Демак, институт ва ўрта ўқув юртлари талабаларининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалий ишларда қатнашишлари уларнинг ўзларига фойдали бўлибгина қолмасдан, даволаш корхоналаридаги шифокор ва ўрта медицина ходимларининг ўз ўрнида самарали ишлашларига ҳам шароит туғдиради.

Ҳар бир ташаббус ҳаётда турли хил мутаассиблик тўсиқларига учрайди. Лекин Соғлиқни сақлаш нозирлиги ўз қарамоғидаги даволаш ташкилотларининг раҳбарлари ҳеч қандай қаршиликсиз тиббий дорилфунун ва билим юртлари талабаларига ўқишни баҳоли қудрат иш билан олиб боришларига шароит туғдиришлари лозим. Барча даволаш-профилактика муассасаларини кўпроқ дипломли мутахассислар қизиқтиради. Шунинг учун ҳам юқорида қайд қилинган ташаббуслар, янгиликлар жойларда турли тўсиқларга учраши эҳтимолдан холи эмас.

Шуларни ҳисобга олиб, олий ва ўрта билим юртларида таълим олаётган талабаларни даволаш-профилактика муассасаларига ўқишдан ажралмаган ҳолда ишга қабул қилиш, уларга зарур шароитлар яратиб бериш ҳақида барча муассаса раҳбарлари олдига мажбуриятлар қўйилди.

ПЕДАГОГЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШМОҚДА

Бугунги мактаб қандай бўлиши керак? Бу саволга кўплаб новатор педагоглар жавоб ахтаришмоқда. Таълим-тарбия жараёнининг эскирган шакллари ўрнига янгилари: тиғиз ўқитиш деб аталган метод, беш кунлик ўқиш, мактаб ўқувчиларини фанларни чуқур ўрганишга йўналтириш таклиф этилмоқда. Яқин-яқингача тажриба бўлган ишлар бугунги кунда мактабда жорий этилиб, ўзининг дастлабки натижаларини берди.

Бухорода бўлиб ўтган ўқитувчилар учрашувида ҳам ана шу муаммолар хусусида қизиқарли суҳбат борди. Ўзбекистонлик ҳамкасбларининг таклифига биноан Бухорога Москва ва Иркутскдан новатор педагоглар келишди. Учрашув қатнашчилари иш тажрибаларини баҳам кўрдилар, Бухоро область мактабларига бордилар, машғулот ва семинарлар ўтказдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

КПССнинг янги Устави лойиҳасини муҳокама қиламиз

МАСЛАКДОШЛИГИМИЗНИ УНУТГАНДИК

Матбуотда эълон қилинган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави лойиҳасини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унинг муқаддимасида баён қилинган умумий қоидада «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси —...маслакдош коммунистларнинг ихтиёрий бирлашмаси», деган жумла бор. Менга маслакдош сўзи ёқди. Нега? Чунки шу пайтгача биз ўзимизни партия аъзоси деб ҳисоблар эдигу, аммо маслакдош эканлигимизни унутиб қўйгандик, бу ҳақда ҳеч сўз юритилмасди.

Қадимдан: «кемага тушганнинг жони бир», деган нақл бор. Маслакдошлар ана шундай одамлар. Уларнинг ўй-мақсадлари муштарак. Улар бир йўлдан бораётган ҳамроҳ кишилар, бирбирларининг қувончига, ғамташвишига шерикдирлар. Шу боисдан агар партия танг аҳволга тушиб қолса, бу маслакдошларнинг ҳам аҳволи жиддийлашганидан нишона. Партиянинг обрўсизланиши — маслакдошларнинг ҳам обрўсига путур етгани.

КПССнинг янги Устави лойиҳаси бизни ўз сафларимизни соғломлаштириш ва мустаҳкамлашга, унинг соғлиги ва поклиги учун курашишга ундайди

Назаримда, Устав лойиҳаси ҳали анча таҳлил ва тўлдиришларга муҳтож. Биринчи бобнинг 1-бандида «унинг ташкилотларидан бирида ишловчи...» сўзлари бор. Буни қандай тушунмоқ лозим? Компартиянинг ташкилотларидан бирида ишловчими ёки меҳнат коллективларидан бирида ишловчими? Менимча, «унинг ташкилотларидан» сўзлари ўрнига «меҳнат коллективларидан» сўзлари ёзилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Яна бир гап. Ишга қобилиятсиз, ногирон кишилар ҳам бор. Кексаларимиз ҳам анчагина. Улар бирон-бир ташкилотда ишламайдилар. Аммо улар ҳам сафимизга кириш истагини билдирсалар-чи? Унда нима қилиш керак? Устав лойиҳасида бу ҳақда ҳеч нима дейилмаган. Лойиҳанинг биринчи боб 2-бандида «КПССга аъзолик коммунистга афзаллик бермайди», дейилади. Русча матндаги «привилегий» сўзи ўзбекчага «афзаллик» деб нотўғри (бунинг устига бирликда) таржима қилинибди. Фикримча, бу сўзни ўзбекчага «имтиёзлар» деб ағдариш керак.

Шунингдек, партия аъзосининг барча идораларга эркин кира олиши (дарвоқе олдинги йилларда, ҳатто ҳозир ҳам обком ёки Марказкомга ҳужжатсиз кира олмайсиз) Устав лойиҳасида таъкидлангани ҳам диққатга сазовордир.

О. УМАРОВА,
Ангор районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг сабзавот-боғдорчилик пудрат звеноси бошлиғи, КПСС аъзоси.

Мен кекса коммунист ва партия ходими сифатида иккита масала юзасидан фикр айтмоқчиман. Биринчиси — партиянинг обрўси тўғрисида, иккинчиси КПСС сафидан чиқиш истагини билдириб, партия билетини топшириш ҳоллари рўй бераётгани ҳақида. Кейинги пайтларда партиянинг обрўси тушиб кетяпти, деган гаплар тез-тез эшитилиб турибди. Бу ҳақда матбуотда, телекўрсатувларда ҳам баҳс, мунозаралар юритиляпти. Лекин мен бу фикрга мутлақо қаршиман. Партиянинг обрўси тушиб кетаётгани йўқ. Бу борада мулоҳаза юритиб ўтириш мавриди ҳам эмас. Партия жамиятимизнинг бутун фаолияти давомида етакчи куч бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бир ўйлаб кўрайлик, Коммунистик партия Улуғ Октябрь революцияси, ундан кейинги йиллар қийинчиликлари ва Улуғ Ватан уруши офатларидан совет халқини соғ-омон олиб чиқди. Бироқ кейинги йилларда бир ҳовуч партия ходимлари халқ манфаатидан ўз манфаатини устун қўйиб, партия аъзоси деган шарафли номга дог туширдилар. Лекин бу партиянинг обрўси тушиб кетди, деган гап эмас. Негаки партия сафида бундай нопок кишилар саноқли. Биз — коммунистлар эса республикамизда салкам 700 минг кишимиз. Қолаверса, ана шу нопок шахслар халқ олдида юзи қора бўлиб, қилмишига яраша жазоланмоқдалар.

Энди баъзи жойларда КПСС аъзолигидан чиқиш истагини билдириб, партия билетини топшираётган собиқ коммунистлар масаласи масаласида асло шошмаслик ва адашмаслик лозим. Ана шу мақсадда биз районимизда ва хўжалигимизда КПСС сафига қабул қилишнинг комплекс системасини ишлаб чиқдик. Партияга киришга келсак, аввало бундай кишилар кимлар ва улар партия сафига қандай мақсадларни кўзлаб кирганлиги ҳақида ўйлаб кўриш керак. Ишончим комилки, бугунги оғир шароитда партия сафини тарк этиш истагини билдираётганларнинг бирортаси КПСС сафига халқ ва жамият манфаатини ўйлаб эмас, балки юқори лавозимга эришиш, сохта обрў ортириш учун кирган. Бугунги қайта қуриш, ошкоралик эса уларнинг ниятини барбод қилди. Шунинг учун ҳам уларнинг кўнглига ғулғула тушиб қолди. Менимча, партия бундай нопок одамлардан тезроқ халос бўлгани маъқул.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, партияга қабул қилиш масъулиятини янада ошириш мақсадида ҳозир кенг муҳокама этилаётган КПССнинг янги Устави лойиҳасининг 4-банди иккинчи жумласини «партияга қабул қилиш масаласи меҳнат коллективининг барча аъзолари иштирок этган бошланғич партия ташкилотининг очиқ йиғилишида муҳокама этилади ва ҳал қилинади, йиғилишнинг қарори йиғилишда қатнашган партия аъзоларининг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган ва бутун коллектив бу қарорни маъқуллаган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади», деб ўзгартишни таклиф қиламан. Зеро, бундай ўзгартиш ёш коммунист тақдири учун фақат коммунистларнинггина эмас, шу билан бирга бутун коллективнинг масъулиятини ҳам оширади, партия сафига янги аъзолар қабул қилишда янглишишнинг олдини олишга ёрдам беради.

Айни пайтда хўжалигимиздаги 120 нафар коммунистнинг барчаси партия сафининг софлиги учун бир тан бир жон бўлиб курашмоқда. Негаки, обрў ўз-ўзидан келмайди. Биз — коммунистлар юқорида таъкидланган икки масала ва партия ҳаётига оид бошқа муаммолар ҳақида КПСС XXVIII съездида принципиал, ошкора фикр юритилишига ишонамиз ва партия съездини муносиб кутиб оламиз.

О. ҚОДИРОВ,
Чуст районидаги «1 Май» колхози партия комитети секретари.

ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

ХАЛҚИМИЗ МЕРОСИНИ АВАЙЛАБ АСРАЙЛИК

Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш жамияти бошқаруви хайъатининг кенгайтирилган мажлиси халқимиз тарихий-маданий меросини авайлаб асраш ва ундан фойдаланиш борасидаги ишларни такомиллаштиришга бағишланди. Ҳудудида у ёки бу тарихий ёдгорлик бўлган маҳаллий Советларга жамият маблағлари бир қисмини бериш зарурлиги таъкидланди.

Жамиятнинг В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига тайёргарлик билан боғлиқ тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилинди. Мажлис қатнашчилари мамлакатимизнинг баъзи минтақаларида инқилоб доҳийсига ўрнатилган ҳайкалларни олиш ва ваҳшиёна йўқотиш борасидаги ишлар қатъиян қораланди. Айни вақтда Ўзбекистон худудидаги Ленинга ўрнатилган ёдгорликларни тўла ҳисобга олиш, уларнинг бадиий қийматини белгилаш зарур бўлганида, ҳайкалларни таъмирлаш кераклиги таъкидланди. Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 45 йиллигига жамият бўлинмалари қандай тайёргарлик кўраётганлиги ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

Диққат: янги нашр

«ИШБИЛАРМОН ҲАМКОР»

Қайта қуриш шарофати билан мамлакатимизда, жумладан, жумҳуриятимизда корхоналар, муассасаларга ташқи бозорга чиқиш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бинобарин, ташқи бозорга чиқишни режалаштираётган корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар олдида катта вазифалар турибди. Агар биз жаҳон бозоридаги вазиятни билмоқчи бўлсак, жумҳуриятимиз эҳтиёжлари учун илғор асбоб-ускуналар ва технологияни, бозори чаққон халқ истеъмоли молларини сотиб олмоқчи бўлсак корхоналаримиз билан чет эл фирмалари ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантиришга дадилроқ киришмоғимиз, биргаликда қўшма корхоналар ташкил этишимиз зарур. Ана шундагина жумҳуриятимиз экспортини фаол ривожлантириш, айниқса, машиналар, техника воситалари ва бошқа маҳсулотларни сотиш имкони туғилади. Демак, бу соҳадаги муваффақият кўпинча бизни ўраб олган ахборотлар оқимидан ҳар қанчалик хабардор бўлишимизга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Айни пайтда чет эллик шерикларимизни жумҳуриятимизнинг экспорт имкониятлари хусусида ўз вақтида хабардор қилиб бориш муҳим аҳамият касб этяпти.

Ўзбекистон ССР савдо-саноат палатаси буларни ҳисобга олиб, «Ишбилармон ҳамкор» ахборот-реклама нашрини чоп этишга киришди. Куни кеча унинг биринчи сони чиқди. Янги нашр қилина бошлаган реклама-бюллетень саҳифаларида муштарийлар (мижозлар) экспорт-импорт билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар ходимлари, чет эллик воситачилар ва барча газетхонлар ўзларини қизиқтираётган кўпгина саволларга жавоб топадилар, деб ўйлаймиз. Уни яқин келажакда инглиз тилида ҳам нашр этиш мўлжалланмоқда.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» «НАВРЎЗНОМА»СИ

Жумҳуриятимизда Наврўз тантаналари давом этмоқда. Редакциямизга қувонч ва фахр туйғуларига тўла шу мазмундаги мактублар ва мақолалар келиб турибди. Филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитметовнинг «Айёми шариф мадҳи» мақоласи айём арафасида чоп этишга тайёрлаб қўйилган эди.

Бугун эътиборингизга ушбу мақолани ҳавола этиш билан бирга умумхалқ байрами шодиёналари ҳақида хат-хабар йўллашган барча газетхонларга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Деҳқонни чорлайди бўрсилдоқ тупроқ,
Бодроқ исирғали ҳар шох, ҳар буток,
Бардан таралар ҳаётий жаранг,
Борликда жонланиш, ранг-баранг оҳанг...
Уйғониш қўзғатиб менда ҳиссиёт,
Парвозга ёздирар толмас қўш қанот.
Наврўзнинг сеҳридан руҳимда исён,
Ҳар нарса кўнгилга яқин, жонажон...

Ғулом АЛИЕВ,
Муаллиф олган суратлар.





АЙЁМИ ШАРИФ МАДҲИ

ХАЛҚИМИЗ Наврўзни азалдан байрам қилиб келади. Бир йил 365 кундан иборат бўлса, Наврўз бу кунларнинг энг атоқлиси. Чунки янги йил Наврўздан бошланган. Шунинг учун уни «сари сол» («йил боши») деб ҳам атаганлар. Наврўзнинг тарихини Абу Райҳон Беруний «Ўтмиш ёдгорликлари» китобида афсонавий подшоҳ — Қаюмарснинг тахтга чиққан куни билан боғласа, Алишер Навоий «Тарихи мулуки Ажам» асарида Жамшиднинг Истаҳр шаҳрида ғоят ҳашаматли бир бино қургани ва шу бино қурилиши тугалланган кунни «Наврўз» деб атаганини, ўша куни катта базм бергани билан изоҳлайди. Чунки ўша куни кеча билан кундуз баробар («эътидол») бўлган эди:

«Ва (Жамшид) анда (Истаҳр шаҳрида) улуқ биное солдикким, ҳоло осори ва нишоналари борким, одамзод андоқ ясамоқ маҳол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани «Чиҳл минор» дерлар. Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва акобирин йиғиб, анда азим жашн (йиғилиш, базм) қилди. Ул вақтким, қуёш нуқта эътидоли рабиий (баҳор)ға таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтуруб, адолат сайт ва садосин оламға мунташир ва ул куннинг отин Наврўз қўйди».

Мавлоно Лутфий ғазалларидан бирида таъкидланишича ҳам Наврўзнинг энг муҳим хусусияти —шу куни кеча ва кундуз тенг бўлиб, шу кундан табиатда янги ўзгариш — баҳор бошланишида:

Наврўз жамол ўлди, чу бўйича дурур соч;
Тенг бўлди чу тун кун била, Наврўз дагулму!!

Ўтмишда баҳор ҳақида шеър ёзмаган шоир кам бўлганидек, Наврўз ҳақида ёқимли шеърий сатрлар битмаган ёки махсус шеърлар яратмаган қаламкашни ҳам учратиш қийин. Чунки Наврўз Шарқ адабиётининг, шу жумладан ўзбек шеириятининг ҳам анъанавий мавзуларидан бири бўлган. Шоирлар бу тўғрида яхши шеър ёзиш билан халқнинг, китобхонлар оммасининг синовидан ўтганлар. Наврўз ҳақидаги ғазаллар куйларга солиниб қўйланган, кишиларни ҳаётни севишга, гўзалликни эъзозлашга чорлаган.

Наврўз ҳақида биринчи ғазал ўзбек адабиётида Носириддин Рабғўзий (XIII аср) томонидан ёзилган. Ҳофиз Хоразмий (XIV аср) ўз ишқий ғазалларидан бирини:

Кўргузса нурин сабоҳи Наврўз,
Бўлғай манга ийд рўзи ул рўз,—

деб бошлаган ва Наврўзни ҳақиқий байрам —«ийд» деб ҳисоблаган. Гадоий эса (XV аср) бу кунни бир ғазали матлаида «айёми шариф» ясни «шарофатли кун» деб улуғлаган. Гадоий шу ўринда Наврўзни энг хушбўй, кишилардаги ҳорғинлик («малол»)ни тарқатувчи кун деб таърифлайди:

Нақъати Наврўздин бўлди машоми жон латиф,
Кетти даврони малолу келди айёми шариф.

Ўзбек адабиётида бу мавзу тобора чуқур ишлана борган. Навоийнинг йигитлик йилларида ёзилган ва «Бадоеъул-бидоя» девонига киритилган:

Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам —

матлаи билан бошланувчи ғазали ҳам Наврўз ҳақида эди. Бу ғазалида улуғ шоир ўз севгилисининг байрам ҳолатини ва унга ўз самимий туйғуларини баён қилган. Кейинчалик бу ғазалга Аваз Ўтар ажойиб тахмис боғлаган ва устоз фикрларини чуқурлаштириб, рангларини янада бойитган.

Наврўз мавзуига Шермуҳаммад Мунис (1778—1829) ўзининг мадҳия қасидаларидан бирида тўхталган. Мазкур қасиданинг кириш қисми тўла Наврўз ва баҳор таърифига бағишланган. Шоир Очилди Мирий (1830—1899) эса Наврўз ҳақида ёзган махсус қасидасида ушбу байрамни қандай ўтказганини ва қандай ўтказиш кераклиги дастурини тасвирлаб берган, дейиш мумкин. Бу асардан халқимиз маънавий ҳаётида Наврўз қанчалик катта ўрин тутганини билиб олиш қийин эмас.

Биз бугун Аваз Навоий ғазалига боғлаган муҳаммасини ҳамда Мирийнинг Наврўз мадҳиясини ўқувчилар диққатига ҳавола қиламиз.

А. ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори.

АВАЗ

Навоий ғазалига мухаммас

Тузуб ишратни базмин дилбари бирла бори одам,
Муғаннийлар тараб қонунини тузгуси зеру бам.
Қилурға хотиридин рафъи олому малолу ғам,
Мувофиқ кийдилар бўлмиш магар наврўз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Қилур ғаҳ жилвалар пинҳон кўзимга ул кўзи фаттон,
Танимдин то олурға жон қилиб бедод бепоён.
Не тонгким, қумридек нолон гар ўлсам айлабон афғон,
Чаман сарви бўлуб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,
Оninг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бори олам.

Бўлур булбул гули аҳмар юз очғоч ул руҳи анвар,
Гулистон сайрини яксар қилурда ёри сийминбар,
Хижил шамшод ила ар-ар қадин қошида сар то сар,
Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлуб дилбар,
Они ел айлабон музтар, бу елдек секретиб адҳам.

Ул очғон анбарин кокул паришон бўлғуси сунбул,
Яқоси чок гул билкул очиб ғунча оғиз мул-мул,
Хиромон қаддиға бир қул эрур шамшоду сарву гул;
Тутуб ул гул уза булбул чекиб гул шавқида ғулғул,
Бу сарв узра, очилиб, анга тердин тушуб шабнам.

Қаю дилбар эрур якто фунуни ноз аро оё?
Санингдек наргиси шаҳло суманбар кофари тарсо—
Дилимни айлабон шайдо ғами ишқиға, эй барно,
Қилиб оҳим сори парво, буён майл этмадинг қатъо,
Сабодин, эй қадри раъно, бўлур ҳам сарв ғаҳ-ғаҳ ҳам.

Бори мавсум накўроқи бу мавсумдур, эмас боқи,
Бақосиз чархнинг тоқи ки толъанинг қаро, оқи.
Қадаҳнинг барча ушшоқи ким улдур табъият чоқи,
Бу боғ ичра май, эй соқий, ки борман асру муштоқи,
Ки анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

Қилиб қўйи аро ғулғул, сабоҳу шом бул сойил,
Эсанг гар ишқида комил бўлурсан телба, ғаҳ жоҳил;
Аваздек айлаб ўзни қил, на ўлуб этса бўлуб қойил,
Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддиға бўл мойил,
Ки боғ этмас сани хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

Очилди МИРИЙ.

Наврўзи олам

Биҳамдиллаҳки, олам сабзавор ўлдию равшан ҳам,
Кетиб дай шиддати, найсони раҳмат қатраафкан ҳам.
Очиб гул баргини, ашжорлар бўлди тароватбахш,
Ҳам андоқ руҳпарвар ғунча ақдин очти гулшан ҳам.
Паривашлар юзидек очти рухсорини шохи гул,
Сиҳи қадрларга ўхшатмиш ўзини сарву саврсан ҳам.
Фиғон булбулга тушти ишқ эли янглиғ ҳамоноким,
Чекиб фарёдини, булбулга гул бўлди нишиман ҳам.
Ки чун наврўзи олам келса бордур расми дерина,
Тарабангез ўлуб, сайр этгусидур мард ила зан ҳам.
Нашот асбобини омода айлаб ҳар наким бўлғай,
Қилурлар неча кунлар айшу ишрат дўсту душман ҳам.
Сари сол ўлдию бўлди ҳамул расми қадимий фош,
Муҳайё нуқлу шарбат такяда, базм ўлди якфан ҳам.
Уруб шамёнаю хирғоҳини Мирзо Зариф андоқ,
Ҳамоно рубъи маскун ичра тарҳ этти мусамман ҳам.
Қавий ҳайкал йигитларга бериби туну сийму зар,
Худ ўлса паҳлавон, иньом ила қилди Таҳамтан ҳам.
Мутеъи бахт ўлуб, иқболи давлат ёрлиғ қилғай,
Карамдин элни хурсанд этти андоқ Калликўрғон ҳам.
Ҳумон саъдини ҳақ айласун оninг мададкори,
Ки, тўлдурмуш гадо жайбини эҳсонида доман ҳам.
Зиҳи сайру зиҳи ишрат, начук васфини қилсун тил,
Тамошосини они қилмаган армонда, қилган ҳам.
Не дей ул айшу ишратхонани васфидаким, бори
Эрур жаннат назокатлик, тамошосида хозан ҳам.
Қурулган чодару шамёна беҳадду ниҳоятдур,
Фалак деб офарин бу сайр учун, оғзида аҳсан ҳам.
Муғаннийлар тузуб танбуру ғижжак нағмасида рост,
Алолосини кўкларга солиб андоқки дафзан ҳам.
Жавонлар дастафшон ўйнабон, халқ айлади вола,
Қизил гул баргидек рухсори, кисват юз мулавван ҳам.
Мусаххар айлаган масхаралик мулкини Раҳмонқул,
Бағир қотмоқ сўзидин элга, кулгулук анга тан ҳам.
Чунон айшу нашоту базм ила эл бўлди маниярғаб,
Қилиб келса қўлидин, келмаган ишни буюрган ҳам.
Самовор анда ҳар сори туман жўшу хуруш айлаб,
Тамошосида чарх ойн қуёшдин очти равзан ҳам.
Тамошо сайрини қилмоқ учун кетти ҳама аҳбоб,
Не бўлғай, Мирий, борсанг дўстларни кўргали сен ҳам.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БОЛАЛАР ФОНДИ РЕСПУБЛИКА БЎЛИМИДА

Ғамхўрлик ифодаси

Тошкент. (Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан).

Кейинги пайтларда республикамизда оналар ва болаларга ғамхўрлик борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилаётгани маълум.

Болаларга давлат нафақалари бериш миқдори тартиби ва шартлари, декрет отпускалари ва болаларни парвариш қилиш юзасидан отпускалар муддатини белгилаш бўйича имтиёзли ўзгартишлар рўй берди. 1—5 синф ўқувчиларига бепул нонушта бериш, камқон оналарга тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

СССР Президенти М. Горбачевнинг СССР Олий Советига йўллаган мактуби бундай ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Унда бундай дейилади:

«Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилани мустаҳкамлашга оид кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имтиёзли тартибда кўриб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этаман... Оналар ва болалар тўғрисидаги ғамхўрлик ҳамма нарсадан устун туриши лозим. Буларга диққат-эътибор ҳар қандай жамият, энг аввало социалистик жамият маданиятининг, маданийлашганлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир...».

В. И. Ленин номли Болалар фонди республика бўлими қошидаги оила кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилиши худди шу масалага қаратилди. Йиғилишда оналар ва болалар манфаатлари кўзланган бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

Болалар фондига қарашли хўжалик ҳисобидаги «Крок» фирмаси инвалид болалар учун тайёрлаган аравача намунаси кенгаш аъзолари томонидан ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Бу қанчалик тез амалга оширилса аравачаларга муҳтожлик сезаётган қанчадан-қанча ногирон болаларнинг ҳожати шунчалик тез чиқарилади.

Шунингдек, кенгаш йиғилишида оила муаммоларига бағишланган кутубхона нашрини чоп этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

В. И. Ленин номидаги Болалар фонди республика бўлимининг энг намунали кўп болали оилалар учун мукофоти ва олий ўқув юрти талабалари учун степендиясини таъсис этиш ҳақидаги таклифи ҳам кенгаш аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

СССР ХАЛҚ НАЗОРАТИ КОМИТЕТИДА

Эстония ССР Олий Совети 4 апрель куни Эстония ССР Халқ назорати комитетининг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу амалда республика халқ назорати органлари бутун системасини тугатишга олиб келади. Бу СССР Конституциясининг 92-моддасига ва Эстония ССР Конституциясининг 81, 113-моддаларига, шунингдек ССР Иттифоқининг «СССРда Халқ назорати тўғрисида»ги Қонунига зиддир.

Шу нарса мутлақо равшанки, халқ назорати органларини тугатишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат, аслида халқнинг социалистик ўзини ўзи бошқариш асосий принципларидан бирини қўпоришга олиб келади, меҳнаткашларнинг давлат ва жамият турмуши масалаларини ҳал этишда фаол иштирок қилиш имкониятини анча чегаралайди.

СССР Халқ назорати комитети Эстония ССР Олий Советининг 1990 йил 4 апрелдаги қарорини Конституцияга қарши қарор деб баҳолайди ва республикадаги барча халқ назорати органлари ўз зиммаларига Қонунга биноан юклатилган вазифаларни бажаришни давом эттиришлари зарур, деб ҳисоблайди.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

9 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

УзТВ-I. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Инсон ва табиат. 18.10 Мультфильм. 18.20 Қувноқлар даврасида. 18.50 КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамада. 19.25 Реклама. 19.30 Ахборот. 19.50 Ёдгорлик. Паҳлавон Маҳмуд. 20.30 Время. 21.00 Чанг тароналари. 21.35 Ойнаи жаҳонда. 22.00 Ахборот. 22.20 «Тошкент» студияси.

УзТВ-II. 16.05 Гўзаллик куйчиси. 18.35 «Дон кихот болалари». Бадиий фильм. 19.45 «Тошкент» студияси. **Фрунзе.** 20.30 Время. 21.00 Ташқи ишлар министрлиги: бугун ва эртага. 21.40 Концерт. 22.10 «Очиқ қалб». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар. 8.30 Футбол шарҳи. 9.00 «Гижель» рус мўъжизаси. 9.30 Балет. 10.50 Адабий ўқиш. 11.30 Ҳужжатли фильм. 12.00 Время. 15.15 Мультфильм. 16.25 Ҳужжатли фильм. 16.35 Концерт. 17.00 Болалар соати. 18.00 Время. 18.30 Биз ва экономика. 19.25 «Елканлар остидаги ўлим». Бадиий фильм, 1-серия. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Футбол шарҳи. 21.35 «Сўз». 23.35 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 География. 9.05 Итальян тили. 10.05 Онам, дадам ва мен. 10.35 ва 11.35 Биология. 11.05 Рус тили. 12.55 «Яшанглар». Бадиий фильм. 13.25 Ҳужжатли фильм. 13.55 Концерт. 14.15 Телефильмлар. 16.30 Мультфильм. 16.40 Кичик шаҳарнинг катта муаммолари. 17.25 Концерт. 18.00 Время. 18.30 Бу қўшиқни ёдлаб ол. 18.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 «Кеч кузда Орскда». 20.20 Рассом В. Охунов ва К. Миржалилов устахонасида. 20.50 «Кечиккан гуллар». Телеспектакль. 22.25 Концерт.

10 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Меҳнат ҳуқуқи. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 13.30 «Қамал». Бадиий фильм, 3-фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильмлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Ўзбек тилини ўрганамиз. 18.50 Деҳқон юмушлари. 19.20 Ҳамфикрлар. 19.30 Ахборот. 19.45 Навоий гулшани. 20.30 Время. 21.00 Долзарб мавзу. 21.20 Камолот сари. 22.00 Инсон ва қонун.

УзТВ-II. 18.05 Телефильм. 18.25 Спорт кинопанорамаси. 19.10 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм, 1-серия. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 КПСС XXVIII ва Тожикистон Компартиясининг XXI съездлари олдидан. 22.00 Ахбор. 22.20 Нури зиндаги. 23.20 Телефильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Елканлар остидаги ўлим». Бадиий фильм, 1-серия. 9.10 Мультфильмлар. 9.35 Ҳайвонот оламида. 10.35 Бу бўлган, бўлганди. 10.55 Болалар соати. 11.55 «Коллаж». 12.00 Время. 12.30 Бизнинг мерос. 15.15 Концерт. 15.30 Ишчан ғоялар ярмаркаси. 16.45 Ҳужжатли фильм. 17.15 Мусиқий таътиллар. 18.00 Время. 18.30 Ёшлар хабарномаси. 19.00 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Навбат сизга артист. 21.30 Футбол. «Спартак» — «Динамо» (М). 22.20 Опера шинавандалари телеклуби. 23.30 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.30 ва 9.35 Адабиёт. 9.05 ва 10.05 Француз тили. 10.35 ва 11.40 Табиатшунослик. 10.35 Зеҳнлилар учун машқлар. 12.00 «Яшанглар». Бадиий фильм, 2-серия. 13.05 Ритмик гимнастика. 13.35 «Илк қувончлар». Бадиий фильм, 4-серия. 14.45 Бадминтон. Европа чемпионати. 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.00 Татаристон ССР Давлат телерадиоси. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси.

11 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 12.30 «Қамал». Бадиий фильм, 4-фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Касблар ҳақида ҳикоялар. 18.15 Шоирлар — болаларга. 18.55 Хизмат кўрсатиш тармоқлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Ёшлик. 20.30 Время. 21.00 «Наврўз ва айёзмомо». Адабий-мусиқий кўрсатув. 21.40 Долзарб мавзу. 22.00 Ахборот. 22.20 «Олтинчи июль». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 18.05 Концерт. 19.40 «Ўзбекистон» телекиножурнали. 18.50 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм, 2-серия. 21.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Ердан фойдаланиш муаммолари. 21.40 Киноочерк. 22.00 Ахбор. 22.20 Концерт.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 «Елканлар остидаги ўлим». Бадиий фильм, 2-серия. 9.10 Мультфильм. 9.35 Футбол. «Спартак» — «Динамо» (М). 10.25 Саёҳатчилар клуби. 11.25 Камалак. 12.00 Время. 12.30 «Лика». Телеспектакль. 15.15 Мусиқий хазина. 16.25 Ҳужжатли фильм. 17.00 Болалар соати. 18.00 Время. 18.30 Ҳужжатли фильм. 19.25 Шеърият лаҳзалари. 19.30 «Бу, беқиёс овоз». 20.30 Время. 21.00 «Коллаж». 21.05 Долзарб интервью. 21.15 Тикланиш. 21.45 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 23.00 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Табиатшунослик. 9.05 ва 10.05 Немис тили. 10.35 ва 11.35 Умумий биология. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Ҳужжатли фильм. 12.35 Концерт. 13.05 «Илк қувончлар». Бадиий фильм, 5-серия. 14.10 Бадминтон. Европа чемпионати. 16.30 Стол тенниси. Европа чемпионати. 17.00 Мусиқий абонемент. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси.

12 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

УзТВ-I. 11.30 Ботаника. 12.00 Телефильм. 12.30 Табиатшунослик. 13.00 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм, 1-серия. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Телефильм. 18.10 Ассалом коинот. 19.00 Ёзувчи ва замон. 19.30 Ахборот. 19.45 Алифбо сабоқлари. 20.20 Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар беради. 20.30 Время. 21.00 Концерт. 21.30 Мультфильмлар. 22.00 Ахборот. 22.20 Киноқўрсатув.

УзТВ-II. 18.05 Манзарали фильм. 18.20 Юлдузча. 18.55 Тарих саҳифалари. 19.35 Реклама. 19.45 «Тошкент» студияси. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Концерт. 21.40 Ғалабанинг 45 йиллигига. 22.00 Ахбор.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Ҳужжатли фильм. 8.10 Телефильм. 9.20 Мультфильм. 9.55 «Бу беқиёс овоз». 10.55 Болалар соати. 11.55 «Коллаж». 12.00 Время. 12.45 «Олтин арава». Телеспектакль. 15.00 Мультфильм. 15.15 Ҳужжатли фильм. 15.30 Концерт. 16.40 Инсон. Ер. Коинот. 17.40 Мультфильмлар. 18.00 Время. 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.10 «Она бўри фарёди». Бадиий фильм, 1-серия. 20.30 Время. 21.00 «Она бўри фарёди». Бадиий фильм, 2-серия. 23.10 ТСН. 23.25 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.35 ва 9.35 Биология. 9.05 ва 10.05 Испан тили. 10.35 ва 11.40 Мусиқа. 10.55 Илмий хабарнома. 12.00 Ҳужжатли фильм. 12.40 Ритмик гимнастика. 13.10 «Илк қувончлар». Бадиий фильм, 6-серия. 14.30 Бадминтон. Европа чемпионати. 16.30 Ҳужжатли фильм. 17.25 Стол тенниси. Европа чемпионати. 17.55 Коллаж. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси. 20.45 Кўкламги кеча-кундуз бараварлиги.

13 АПРЕЛЬ, ЖУМА

УзТВ-I. 11.30 Телефильм. 11.50 Бобомурод Ҳамдамов куйлайди. 12.55 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм, 2-серия. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Бу сирли олам. 18.10 Халқ назорати экрани. 18.45 Ёшлик. 19.25 Реклама. 19.30 Ахборот. 19.50 Тил—маданият кўзгуси. 20.30 Время. 21.00 Оламга саёҳат. 21.50 Одобнома. 22.00 Ахборот. 22.20 Мусиқий кўрсатув.

УзТВ-II. 18.05 Китобсеварлар. 18.50 Регби. 19.30 «Тошкент» студияси. **Душанбе.** 20.30 Время. 21.00 Жумҳурият ҳарбий комиссариятининг ходимлари жавоб берадилар. 22.00 Ахбор. 22.20 Афзалишо Шодиев куйлайди.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 8.45 Мультфильм. 9.05 «Она бўри фарёди». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 11.30 Бекинмачоқ. 12.00 Время. 12.30 Шоир Д. Самойлов билан учрашув. 15.15 Агар сиз... 16.00 «Жодугар ва сеҳргар». Бадиий фильм. 17.15 Компьютер билан мулоқот. 18.00 Время. 18.30 Ҳокимият — Советларга. 19.00 Концерт. 19.10 «В. И. Ленин портретига чизгилар». 2-фильм. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Долзарб интервью. 21.15 ...Бу бўлган, бўлганди. 21.40 Нигоҳ. 23.10 ТСН. 23.25 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

МТ-II. 80.00 Гимнастика. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.35 ва 9.35 Адабиёт. 9.05 ва 10.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 Адабиёт. 11.05 Илмий-оммабоп фильм. 12.05 Концерт. 12.50 А. Н. Островский уй-музейи ҳақида. 13.35 «Илк қувончлар». Бадиий фильм, 7-серия. 15.00 Бадминтон. Европа чемпионати. 16.30 Якутскдан кўрсатилади. 16.45 «Презентация—3». 17.55 «Коллаж». 18.00 Время. 18.30 Спорт программаси. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Информацион программа. 20.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 21.00 Футбол. «Днепр» — «Динамо» (К). 22.50 Спорт ҳамма учун. 23.05 «Алвасти». Бадиий фильм. 00.20 Бадминтон. Европа чемпионати.

14 АПРЕЛЬ, ШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Отни ким эгарлайди». Бадиий фильм. 11.10 Сурхондарё вилоятидан кўрсатув. 11.40 Концерт. 12.00 Ер бойлигимиз. 12.35 Ягона оилада. 13.55 «Тошкент» студияси. 14.05 Жиззах вилоятидан кўрсатув. 15.35 Саломатлик мактаби. 18.05 Тенгдошлар. 18.50 Шеърият дафтаридан. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Дуторчи қизлар ансамбли концерти. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Время. 21.00 Дўстлик экрани (Фрунзе). **Фрунзе.** 22.00 Ҳафтонома. 22.40 «Мушкул савдо». Спектакль.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 «Савтукалом». 10.15 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия. 12.35 «Эски мактаб». Спектакль. **Фрунзе.** 15.05 Мультфильм. 15.15 Реклама. 15.25 Телефильм. 16.00 «Бировнинг хати». Бадиий фильм. 17.30 СССР Ёшлар самбо биринчилиги. 18.00 «Китоб, ҳаёт, китобхон. 19.00 «Мезгил». 19.10 Қирғизистон ССР Олий Совети сессияси. 21.00 Дўстлик экрани. 22.00 Қирғизистон ССР Олий Совети сессияси.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Онам, дадам ва мен. 8.30 Чашмалар. 9.00 Йил фасллари. Апрель. 10.00 «Бурда моден». 10.30 Сиёсий мулоқотлар. 11.00 Тижорат хабарномаси. 11.30 «Фламинго бахт келтиради». Бадиий фильм. 13.00 Янги Россия концепцияси. 14.00 Концерт. 14.10 Оилавий телевикторина. 14.25 Ҳужжатли фильм. 15.20 Камалак. 15.50 «Катта ҳаёт». Бадиий фильм, 1-қисм. 17.30 Халқаро панорама. 19.15 «Катта ҳаёт». Бадиий фильм, 2-қисм. 19.45 Концерт. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Телескоп. 21.30 «Моррисвелли қалъасидаги шарпа». Бадиий фильм. 23.00 Концерт. 23.50 Ҳужжатли фильм. 24.00 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

МТ-II. 7.30 Гимнастика. 7.45 Нальчикдан кўрсатилади. 8.15 Ҳужжатли фильм. 8.40 «Биринчи Бастилия». Бадиий фильм. 9.55 Рус тили. 10.25 «Коллаж». 10.30 Мусиқий канал. 12.30 Олмаотадан кўрсатилади. 13.00 Польша қўшиқлари. 13.35 Ҳужжатли фильм. 13.45 Информацион программа. 14.30 Ўлжас Сулаймонов. 15.05 Ўз дардини енгиш. 15.20 Концерт. 15.30 Оролга ёрдам беринг. Телемарафон, 1-қисм. 16.30 Совет Россияси видеоканали. 18.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.00 Оролга ёрдам беринг. Телемарафон, 2-қисм. 20.30 Время. 21.00 Оролга ёрдам беринг. Телемарафон, 3-қисм. 22.00, 23.15 ва 01.05 «ПИ» белгиси билан. 22.45 Бадминтон. Европа чемпионати. 00.45 Концерт. 02.05 Киноконцерт. 02.55 «Романининг қаҳрамонлари». Бадиий фильм.

15 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 «Компьютер сабоқлари». 10.25 Спорт программаси. 11.25 «Дўстлик чаманзорида». 11.55 «Сеҳрли ҳарфлар ороли». Қўғирчоқ-спектакль. 12.50 Алифбо сабоқлари. 13.25 Мушоҳада. 14.35 Илғор тажриба мактаби. 17.55 Янгиликлар. 18.00 Қўшиғим, жон қўшиғим. 18.40 «Ёшлик». 19.30 Ахборот. 19.45 Кино жаҳонидан. 20.30 Время. 21.00 Якшанба оқшомида. 21.40 Мультфильмлар. 22.00 Ахборот. 22.20 «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи».

УзТВ-II. ДУШАНБЕ. 9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 Реклама. 10.15 Китобчанинг викторинаси. 10.55 Футбол, футбол, футбол. 11.55 «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Бадиий фильм, 3 ва 4-серия. 18.00 Бадиий фильм. 19.15 Телетомошабин ҳамроҳи. 19.45 Замон дони — чаҳон дони. 20.30 Время. 21.00 Борбадинг 1400 йиллигига. 22.30 «Кўҳи бўланд» кўрсатувнинг давоми. 22.00 Ҳафта.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 Спортлото. 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 Дунё бўйлаб. 12.00 Здоровье. 12.45 «Ўлим архиви». Бадиий фильм, 5-серия. 14.15 Педагогика ҳамма учун. 15.15 Қишлоқ янгиликлари. 16.30 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. 18.00 Шафқат ҳафтаси. 18.30 Мультфильм. 18.45 «Самогончилар». Бадиий фильм. 19.05 «Ҳамтовоқлар». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.00 Адабият ҳақида ўйлар. 21.15 П. И. Чайковский. 100 та романс. 21.45 Ҳужжатли фильм. 21.50 Джаз портретлари.

МТ-II. 7.30 Заряднка сафланинг. 7.45 Ҳужжатли фильм. 8.00 Мультфильм. 8.15 «Биз қўшни бўлиб яшардик». Бадиий фильм. 9.30 Ҳужжатли фильм. 10.00 «Урсалар—қоч...». Бадиий фильм. 11.30 «Коллаж». 11.35 Биз яшаётган олам. 12.25 Ҳамдўстлик видеоканали. 14.55 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 16.00 «Совет Россияси» видеоканали. 18.30 Халқаро программа. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Ҳужжатли фильм. 19.55 Бадминтон. Европа чемпионати. 20.30 Время. 21.00 «Данил—князь Галицкий». Бадиий фильм.

БОҒЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Дўстлиндаги мевали кўчатчилик совхози Жиззах ва Сирдарё областлари хўжаликларига салкам 2 миллион туп кўчат етказиб берди.

Бу билан хўжалик меҳнаткашлари қўрикда янги боғ ва гулзорлар яратишга муносиб улуш қўшдилар. Жиззах районидаги Навоий номли колхозда ўтган йили уруш ва меҳнат ветеранлари ташаббуси билан барпо этилган боғ яна 5 гектарга кенгайди. Отахон боғбонлардан Ф. Султонов, М. Ҳамроқулов, И. Отабоев, Ф. Қосимовлар кўчатлар парваришига алоҳида эътибор беришяпти.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

ҲАВАСКОРЛИК КЎРИГИ

БУГУН Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида очилган республика ҳаваскорлик хор жамоаларининг кўригида 12 коллектив иштирок этмоқда.

Кўрик консерватория, республика радиоси ва филармония хор жамоаларининг чиқишлари билан бошланди. Шунингдек кўрикда «Навоиназот» бирлашмасининг «Ширин» маданият саройи, Тошкент давлат университети, Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройининг «Иванушка», тўқимачилар маданият саройининг уруш ва меҳнат ветеранлари хори қатнашмоқда.

Ҳаваскорлар эртага Тошкентдаги Горький номли маданият ва истироҳат боғидаги кўрикда «Баҳор» концерт залида ўтказиладиган як